БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 102 (2650). | Сешанба, 26 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ ҲАЁТИЙ БЎЛСИН

Коммунизм ғалабаси учун курашда халқимизнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ғоят юксакликка кўтарилаётган ҳозирги шароитда идеология иши тобора кучли факторга айланмоқда. Чунки идеология фронти — коммунизм ғадабасини таъминловчи энг муҳим фронтлардан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг тарихий июнь Пленуми мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партия идеология ишининг навбатдаги вазифаларини аниқ белгилаб берди. Ҳозирги замон шароитида партия ғоявий-тарбиявий ишининг асосий вазифаси — КПСС Программасини амалга оширишни, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришни, янги одамни тарбиялашни идеологик жиҳатдан таъмин этиш; сиёсий хушёрликни ошириш, империалистик идеологияга қарши, ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши курашни кенг кўлоч ёйдириб юборишдан иборат. Партия Программаси талабларини ўзида мужассамлантирган Пленумнинг бу кўрсатмаларини турмушга оширишда идеология ишининг бошқа воситалари қатори лекция пропагандаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Идеология ишини такомиллаштириш юзасидан партия кўрган муҳим тадбирлар туфайли кейинги йилларда областимизда лекция пропагандасининг савияси анча кўтарилди, тематикаси бойиди, ҳаёт билан боғланиши яхшиланди; лекторлар сафи фанининг турли соҳаларига мансуб бўлган олимлар, саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг новаторлари, инженер-техник ходимлар моҳир ўқитувчи ва педагоглар ҳисобига кенгайди, ўқиладиган лекцияларнинг сифати ошди. Ана шулар туфайли пропаганданинг илмий-техника ва иқтисодий конференциялар, лекторийлар, халқ университетлари, атеизм мактаблари, техника-иқтисодий масалаларга бағишланган тематик кечалар, олимлар, инженерлар ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, янги техника бўйича оғзаки журналлар каби ва бошқа янги, илғор методлари борган сари кенг қўлланилмоқда.

«Билим» жамиятининг Тошкент область бўлимига уюшган 4 мингга яқин лектор партиямиз йўл-йўриқларини, фан ва илғор тажриба муваффақиятларини тинмай пропаганда қилмоқдалар; техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларини чуқурлаштиришда қишлоқ меҳнаткашларига актив ёрдам кўрсатаётирлар. Лекция пропагандасида қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва интенсив ривожлантириш, атеистик тарбияни кучайтириш масалаларига айниқса катта эътибор берилмоқда. Ана шу масалалар юзасидан Оҳангарон шаҳри, Оққўрғон районида олимлар ҳамда мутахассислар билан бўлган учрашувлар қизғин ва мазмунли ўтди. Юқори Чирчиқ районининг ҳамма мактабларида эса атеизм бўйича лекторийлар ишлаб турибди.

«Билим» жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими ҳам идеология ишининг хилма-хил формаларини қўлланиб, партия XXII съезди қарорлари ва КПСС Программасини, партия Марказий Комитети Пленумларининг материалларини изчил пропаганда қилаётир. Шаҳарда 16 мингдан ортиқ тингловчини ўзига жалб қилган 79 та халқ университети ишлаб турибди. Жамиятнинг 9 мингдан ортиқ аъзоси бор. Ҳозирги вақтда жамиятнинг шаҳар бўлими ва унинг жойлардаги группалари ўз фаолиятини кун сайин авж олдирмоқда. Фақат Октябрь районининг ўзида химия билимлари бўйича учта халқ университети ишлаб турибди, жамият аъзолари 40 дан ортиқ колхозда умумий агрохимия ўқиши ташкил этиб, кўпгина бригада ва звено бошлиқларини қишлоқ хўжалигини химиялаш ва интенсивлаш юзасидан зарур билимлар билан қуроллантирдилар.

Юқорида келтирилган ижобий фактлар билан бир қаторда лекция пропагандасида жиддий камчиликлар ҳам бор. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, лекция пропагандасининг ҳаётдан ажралиб қолиши, формализм, бу соҳадаги ишнинг натижаларига ўқилган лекцияларнинг сонига қараб баҳо бериш каби нуқсонлар ҳали ҳам учраб туради. Меҳнаткашларнинг билим даражаси, касбн, қизиқиши ва ёш состави ҳам ма вақт ҳам эътиборга олинади деб бўлмайди. Бундай нуқсонлар кўпроқ Янгийўл ва Бўка районларида учрайди. Тингловчиларни ўзига жалб қила олмайдиган, тили қуруқ ва қашшоқ, тўғри келган темада лекция ўқиб беришга тайёр-у лекин тингловчиларни қаноатлантира олмайдиган қироатхон лекторлар оз бўлса ҳам топилади.

Шуни унутмаслик керакки, олға қараб — коммунизм сари қилаётган ҳаракатимизда ҳаёт билан мустаҳкам боғланган таъсирчан лекция пропагандаси меҳнаткашларни тарбиялаш ва уларни коммунизм қуриш йўлида улуғ ишларга сафарбар қилишга даъват этилган. Лекция пропагандасига меҳнаткашларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, ўтмишнинг сарқитларини батамом йўқотиш, коммунизмнинг актив ва онгли қурувчиларини меҳнат асосида тарбиялаш, халқнинг билими ва маданиятини ошириш, оммани совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш, янги илғор нарсаларни ҳамманинг мулкига айлантириш, буржуа идеологияси ва ҳозирги замон ревизионизмининг ҳамма формаларига қарши кескин кураш каби ҳаёт кун тартибига қўяётган муҳим масалаларни асос қилиб олиш зарур.

Ҳозирги шароитда В. И. Ленин кўрсатганидек, бутун агитация ва пропаганда ишида ХЎЖАЛИК ҚУРИЛИШИНИНГ СИЕСИЙ ТАЖРИБАСИГА таяниш керак. Доҳийнинг бу кўрсатмаси лекция пропагандасини ишлаб чиқариш ва кишиларни тарбиялашнинг конкрет вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда юқори савияда олиб боришни талаб қилади. Шунга эришмоқ керакки, ўқиладиган лекциялар кишиларимизни унумли меҳнатга, ижодий изланишга, янги замон кишисининг энг яхши фазилатларини эгаллашга, ўтмиш сарқитларидан ва айниқса бидъат-хурофотдан тезроқ қутулишга илҳомлантирсин; корхона, қурилиш, колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кўтарилиш и г а амалий ёрдам берсин.

«Билим» жамиятининг область, шаҳар ва район бўлимлари ҳамда группалари олиб бораётган лекция пропагандасининг сифати устидан партия ташкилотлари контролликни кучайтиришлари зарур. Партия комитетлари ҳузуридаги лекторлар группалари ўз атрофига уюшган жамоатчилик асосида ишловчи штатсиз малакали пропагандистлар доирасини янада кенгайтиришлари керак. Бутун идеология ишида бўлгани каби лекция пропагандасига ҳам ижодий ёндошиш талаб қилинади. Бу ишда янги-янги формаларни излаб топиш, мавжудларини эса такомиллаштириш, пропагандистлар составини пухта билимли, моҳир лекторлар ҳисобига тўлдириб туриш — партия, комсомол ташкилотлари, «Билим» жамияти бўлимлари, группалари, қолаверса ҳар бир лекторнинг жонажон ишидир.

Лекция пропагандаси коммунизм қурилишининг амалий вазифалари билан маҳкам боғланган, ҳаётий, таъсирчан ва жанговар бўлсин.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Африка озодлиги куни муносабати билан Африкадаги мустақил мамлакатларнинг давлатлари (ҳукуматлари) бошлиқларига ўзининг табрикномасини Африка мамлакатларидаги совет элчилари ва СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили орқали топширди.

Совет ҳукумати бошлиғининг дўстона табригида айтиладики, Африка озодлиги куни Африка халқларининг ҳамда Африка қитъасининг озодлиги ва мустақиллигига тарафдор бўлган ҳамма кишиларнинг катта байрамидир. «Барча совет кишилари, дейилади табрикномада, Африка халқларининг ўз қадимий ерларини ажнабийлар зулмидан батамом озод қилиш учун, тинчлик, эркинлик ва социал тараққиёт шароитида ўз мамлакатларини ривожлантириш учун олиб бораётган муқаддас курашини қизғин табриклайдилар. Африка озодлиги кунида совет халқи Африка бирлиги ташкилоти қитъада империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашаётган барча кучларни жипслаштириш йўлида олиб бораётган ўзининг олижаноб ишида янги муваффақиятларга эришади, деб қатъий ишонч билдиради».

Н. С. Хрушчев Африка давлатларининг (ҳукуматларининг) бошлиқларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Африкадаги барча дўст халқларга эсон-омонлик ва равнақ тилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шунингдек унинг ҳамроҳлари Бирлашган Араб Республикасига қилган сафарларидан 25 майда Москвага қайтиб келдилар.

Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. С. Хрушчевни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, министрлар, Давлат комитетларининг раислари ва СССРнинг бошқа давлат арбоблари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРдаги дипломатия вакилларининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси 1964 йил 26 июнда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилсин:

1. Ғўза парваришини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида.

2. Республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ташкилий-оммавий ишларини и г аҳволи ва бу ишларни янада яхшилаш чоралари тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1964 йил, 25 май.
Тошкент шаҳри.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИГА ШАЙЛАНИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ғалла ўрим-йиғимини ўтказиш ва давлатга дон сотиш масаласини кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда дон экинлари майдони кенгайтирилганлиги, агротехника даражасининг оширилганлиги ҳамда об-ҳаво шароитининг ғалла чилик учун жуда қулай келганлиги колхоз ва совхозларнинг дон етиштиришни кескин кўпайтиришларига, давлатга дон сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига, уруғлик фондини тўлдириб, чорвачилик учун концентратлашган озуқалар тайёрлаб қўйишларига имконият вужудга келганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бироқ қарорда шу нарса ҳам қайд қилинадики, кўпчилик хўжаликларда ҳосилни ўриб йиғиб олишга қоникарсиз тайёргарлик кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари техника ремонтининг бориши юзасидан етарли контроль қилмаётирлар. 10 майгача бўлган маълумотларга кўра, бор-йўғи 1007 комбайн ремонтдан чиқарилган ва далада ишлашга тахт қилиб қўйилган, бу эса мавжуд комбайнларнинг 35 процентини ташкил этади. Кўпчилик хўжаликлар бошқа ўрим-йиғим техникасини тахт қилиб қўйишга амалда киришмаганлар. Самарқанд областида 135 комбайн (15,6 проценти), Тошкент областида 101 (31,3 проценти), Сирдарёда 273 (38,6 проценти) ва Қашқадарёда 274 комбайн (46,4 проценти) ремонтдан чиқарилган. «Узсельхозтехника» корхоналари атиги 55 комбайнни ремонтдан чиқарганлар (6,4 процент) ва 457 комбайнни энди ремонт қилмоқдалар. Колхоз ва совхозларга запас қисмлар жуда кам ажратилмоқда.

Кўпгина хўжаликларда механизациялашган хирмонлар, омбор бинолари, қоплар, тарози хўжалиги, транспортни ремонт қилиш бошланган эмас, йўлларни ремонт қилиш ва текислаш ҳам тугалланмаган.

Дон маҳсулотлари бош бошқармаси омборларни, асфальт ётқизилган майдончаларни ва дон тозалаш машиналарини тўла тахт қилиб қўйгани йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ўрим-йиғимини техникасини тахт қилиш аҳволини қоникарсиз деб ҳисобладилар ва Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигидан, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органларидан, область партия комитетлари, область ижроия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларидан комбайнлар, трактор лар, автомобиллар ва бошқа техника дон ўрими бошлангунга қадар тахт қилиб қўйилиши, уларни ремонт қилишни тезлатиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилдилар. Шу мақсадда барча комбайнчилар ва штурвалчиларни комбайнларни ремонт қилишга сафарбар этиш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида банд бўлган трактурчилар, шоферлар ва механикларни ўрим-йиғим техникасини ремонт қилишга жалб қилиш, ремонт ишлари сифати устидан мунтазам назорат ўрнатиш, комбайнларни, сомон тўплаб кетадиган, дон тутиб қоладиган мосламалар ҳамда ёнилғи ва ёнғинга қарши курашда ишлатиладиган инвентарлар билан таъминлаш, дон омборларини, хирмонларни ва тош-тарозиларни тартибга солиш тавсия қилинди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига ғаллакор хўжаликларни техникани ремонт қилиш учун запас қисмлар, материаллар ва ёнғинга қарши кураш воситалари билан таъминлаш топширилди.

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитетининг «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида ғалла экинлари майдони унча катта бўлмаган колхоз ва совхозларда ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун механизациялаштирилган отрядлар тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди. «Узсельхозтехника» бирлашмасига, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига республиканинг бошқа областларида ҳам ана шундай отрядлар тузиш масаласини кўриб чиқиш, механизациялаштирилган отрядлар ишини ташкил этиш ва уларни техника билан таъминлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан ўз таклифларини 10 кун ичида ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари зиммасига қуйидаги вазифаларни юкладилар:

Қашқадарё области меҳнаткашларининг ташаббусидан намуна олиб, ҳар бир хўжаликда ўрим-йиғимни 20 кун ичида тугаллашни кўзда тутиб, ғаллани ўриш ва давлатга дон топшириш графикларини ишлаб чиқиш;

ҳосил нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида буғдой ва арпанинг тез тўкилиб кетадиган навларини биринчи навбатда ўриб олишни ташкил этиш;

уруғлик участкалар ва навли экинларнинг ўз вақтида апробациядан ўтказилишини таъминлаш;

заҳарли ўтлар ўсиб чиққан майдонларда уларни ўтоқ қилиш ва заҳарли ўтлар бутунлай йўқ қилиб ташланмагунча ўримни бошламаслик;

ўрим-йиғим бошлангунга қадар ҳамма экинлар атрофини айлантириб ҳайдаб қўйиш ва ёнғинга қарши бошқа тадбирларни амалга ошириш;

барча комбайнлардан бутун кун давомида фойдаланиш учун етарли миқдорда комбайнчилар тайёрлаш;

суғориладиган ерларга анғизга экишни ўз вақтида ўтказиш учун ғалла ўриш ва янчишни алоҳида-алоҳида ташкил этиш, ғалланн ўриш билан бир вақтда далаларни сомондан тозалаш, ўримдан сўнг ерларни суғориб ҳайдаш ва маккажўхори, оқжўхори экиш;

«Безостая» нав буғдой экилган далаларни дон етилгунга қадар 10 кун олдин суғориш ва ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг ерни ҳайдаш ва экин экишга киришиш; уруғлик дон етиштирувчи бригадаларда ва бўлимларда ҳосилнинг ўз вақтида ўриб-йиғиб олинишини, бутун йиллик эҳтиёж миқдорида уруғлик фондини тўлдириш ва уни тозалашни ўз вақтида ташкил этиш. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари хўжаликнинг ўз уруғлиги билан таъминланишига шахсан жавоб берадилар.

Ғалла ўрим-йиғимининг муваффақиятли ўтказилиши икки сменада ишлаш учун малакали комбайнчилар бўлишига боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари ва бошқарма партия комитетларига ҳар бир хўжаликда комбайнчиларнинг етарли ёки етарли эмаслигини текшириб чиқиш, илгари ғалла ўрим-йиғимида ишлаган ремонтчилар ва бошқа механизаторларни комбайнчилар ҳамда штурвалчилар сифатида ишга жалб қилиш топширилди.

Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумлари юқори курсларининг ўқувчилари ҳамда бошқа ходимлардан ғалла ўрим-йиғимида комбайнчилар ва штурвалчилар сифатида фойдаланиш имконияти белгилаб чиқилсин.

Фарғона, Андижон, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон область партия комитетларига, Тошкент шаҳар партия комитетига ҳосилни ўриб-йиғиб олиш даврида ишлашга ғаллакор областларга юбориш учун илғари комбайнчи ва штурвалчи бўлиб ишлаган механизаторларни 10 кун ичида аниқлаб чиқиш топширилди.

Министрликлар ва бошқармаларга донни тайёрлаш пунктларига, хирмонларга ва омборларга ташишда колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатиш учун бир ой муддатга юк автомобиллари ажратиш, автомашиналарнинг икки сменада ишлашини таъминлашни кўзда тутиб шоферлар юбориш, ҳар бир автоколоннага ремонт ишчилари юбориш тавсия этилди.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига дон ташишда колхоз ва совхозларнинг автотранспортидан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш топширилди. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сирдарё область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари дон ташиш учун бу областларга четдан қўшимча автотранспорт ажратилмаслиги тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Республика Госпланига дон ташиш учун автомашина ажратиб бераётган ташкилотларга қўшимча равишда «Гигант» автомашиналари ва аккумуляторлар ажратиш масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон сотиш юзасидан раҳбарлик қилиш учун ғаллакор область ва ишлаб чиқариш бошқармаларида область партия комитетининг секретари (областда) ва партия комитетининг секретари (ишлаб чиқариш бошқармасида) бошчилигида оператив группалар тузилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ғалла экмайдиган областлардаги колхозлар ва совхозларга қарашли юк автомашиналари ва прицепли транспорт тракторларининг бир қисмини улардан дон ташиш ҳамда комбайнларга хизмат қилишда фойдаланиш учун сафарбар этишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда унинг жойлардаги органларига, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига донни ҳисобга олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини, комбайнлар бункеридаги ва молотилкалардан чиққан доннинг тўла ҳисобга олинишн ва кирим дафтарларидан ўтказилиши устидан, тайёрлаш пунктларига, колхоз-совхоз хирмонлари ва омборларига донинг ҳаммаси жўнатилиши устидан қунатиб бориш вазифаси топширилди. Хўжасизлик, бепарволик фактлари юз берадиган бўлса, айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак.

Ғалла ўрим-йиғимида меҳнат ва маблағ чиқимларини камайтиришга имкон берадиган ҳамда дон нобуд бўлишининг олдини оладиган поток усулини кенг қўлланиш тавсия этилди.

Колхоз ва совхозлардан бевосита комбайнлардан келтирилган доннинг тайёрлаш пунктларида тўхтовсиз қабул қилиб олинишини ва бу доннинг қабул қилиш пунктларида талаб қилинадиган кондиция даражасига етказилишини ташкил этиш топширилди. Дон топшириш бошлангунга қадар омборларни ремонт қилиш тугалланиши, барча қабул пунктлари дон тозалайдиган машиналар, транспортерлар, авторазгрузчиклар ва бошқа механизмлар билан таъминланиши лозим. Хўжаликларда сомонни тўплаш ва ғарам қилиш ҳамда ўрим-йиғимдан сўнг 1965 йил ҳосили учун кузги дон экинлари экишга ерларни ҳайдашни кучайтириш керак.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига ва область ижроия комитетларига дон ташиш бошлангунга қадар дон кўп ташиладиган йўлларни ва бу йўлларлдаги кўприкларни ремонт қилиб қўйиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, область комсомол комитетлари, бошқарма партия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига ўрим-йиғимда ва такрорий экин экишда гектаридан 100 центнердан дон етиштириш мажбуриятини олган комсомол-ёшлар бригадаларига биринчи навбатда амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Соғлиқни сақлаш ва Маданият министрликларига ҳамда «Ўзбекбирлашув»га ҳосилни ўриб-йиғиб олишда банд бўлган колхозчилар ва совхоз ишчиларига медицина ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш топширилди.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон сотишнинг боришини кенг ёритиш, илғорлар, мўл ҳосил учун курашаётган комсомол-ёшлар бригадаларининг ташрибасини пропаганда қилиш топширилди.

Область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига дон етиштиришни кўпайтириш, давлатга дон сотиш, уруғлик фондини тўлдириш ва чорвачилик учун ем жамғариб қўйиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида колхоз ва совхозлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириб юбориш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида мўл-кўл дон учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Н. С. Хрушчев билан Ж. А. Носир ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида

ҚЎШМА БАЁНОТ

СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчев Бирлашган Араб Республикасининг Президенти, арабларнинг социалистик иттифоқи раиси Жамол Абдил Носирнинг таклифига биноан 1964 йил 9 майдан 25 майгача Бирлашган Араб Республикасида дўстона жавоб визити билан бўлди.

Н.С. Хрушчев билан президент Носир ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида 24 майда Қоҳирада қўшма баёнот имзоланди. Баёнотни Н. С. Хрушчев ва Ж. А. Носир имзоладилар.

Баёнотда айтиладики, ҳар иккала мамлакат раҳбарлари ўртасида самимият ва дўстлик вазиятида ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир кўпгина масалалар тўғрисида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳвол, халқларнинг миллий-озодлик кураши ҳақида, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган кучларнинг бирлиги тўғрисида ошкора фикрлашиб олинди.

Томонлар ҳамма мамлакатларнинг социал тузумидан қатъий назар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тинч-тотув яшаш сиёсати асос бўлмоқда, деб ҳисоблаб, ҳар иккала мамлакат халқларининг бу сиёсатга содиқлигини таъкидладилар ва мустақил ривожланиш йўлига тушиб олган мамлакатларга империалистик кучларнинг ўз таъсирларини ва ҳукмронликларини зўрлаб қабул қилдиришга қаратилган уринишларини қоралядилар.

Ҳамма формалардаги мустамлакачиликни емириб ташлаш зарурлигига амин бўлган барча кучларни халқларнинг истак-орзуларини рўёбга чиқариш ва бутун дунёда мустаҳкам тинчликни барқарор қилиш ниятида жипслаштириш йўли билан миллий-озодлик курашининг муваффақият қозонишини таъминламоқ учун империализмга ва чет давлатларнинг ҳукмронлигига қарши курашаётган халқларнинг биргаликда қилаётган ҳаракатини кучайтириш зарурлигини ҳар иккала томон кўрсатиб ўтдилар.

Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар халқаро майдонда ижобий роль ўйнаётганликларидан ва уларнинг халқаро сиёсатга амалий таъсир қилаётганликларидан СССР Министрлар Советининг Раиси ва Бирлашган Араб Республикасининг президенти ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар.

Чегаралар тўғрисида территориал жанжаллар ва масалаларни ҳал қилган вақтда куч ишлатишдан давлатларнинг воз кечиши тўғрисида Н. С. Хрушчевнинг таклифини Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати қўллаб-қувватлайди.


Сўнгра қўшма баёнотда шу нарса уқтириб ўтилдики, Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқаро ишларда ҳар иккала мамлакат ўртасида вужудга келган самарали ҳамкорликни давом эттиришни ва мустаҳкамлашни астойдил истаганликларини ва бунга ўзларининг тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Бирлашган Араб Республикаси ўзини ўнглаб олаётган даврда, айниқса уч империалистик давлатнинг 1956 йилдаги агрессиясини Миср халқи даф қилаётган даврда совет халқининг Бирлашган Араб Республикасига берган ёрдами ва мадади катта аҳамиятга эга бўлганлигини Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати миннатдорчилик билан қайд қилади.

Бирлашган Араб Республикасининг миллий экономикани янада ривожлантириш соҳасидаги интилишларини совет томони музокаралар вақтида ўзининг тушунганлигини изҳор қилди ва Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг истакларини бажо келтириб Бирлашган Араб Республикасига саноат объектларини қуришда, узоқ муддатли кредит беришда ва мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Совет Иттифоқи кўмаклашади, деб розилик берди.

Қўшма баёнотнинг охирида шу нарса уқтириб ўтилдики, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига қилган дўстлик визити катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамда унинг Президент Жамол Абдил Носир билан ўтказган учрашувлари ва суҳбатларининг муҳимлигини, шунингдек ҳар иккала дўст давлатнинг масъул арбоблари ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг муваффақиятини, бу эса, муносабатларни мустаҳкамлашга жуда катта таъсир ўтказганлигини ҳамда ҳар иккала халқ ўртасидаги чуқур ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишида порлоқ саҳифа очганлигини томонлар ғоят мамнун бўлиб қайд қилдилар.

Н. С. Хрушчев совет халқи ва Совет ҳукумати номидан президент Жамол Абдил Носирни Совет Иттифоқига келишга расмий таклиф қилди. Президент Жамол Абдил Носир бу дўстона таклифни мамнуният билан қабул қилди. (ТАСС).



Янгийўл бошқармасидаги «Партия XIX съезди» колхозининг ўртоқ Аҳмад Шопўталов бошлиқ биринчи бригадасн аъзолари ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Бригада пахтакорлари ҳозироқ 80 гектардаги яшил ниҳолларни биринчи парваришдан чиқардилар. Ғўза қатор ораларига тракторчи Ҳамид Абдуллаев икки томонлама сифатли ишлов берди. Бу йил 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган миришкорлар ғўзани суғоришга киришдилар. Суратларда (чапда): тракторчи ўртоқ Х. Абдуллаев бригаданинг сўнгги гектардаги ғўзасига биринчи ишлов бер моқда. (Ўнгда): сувчи Орифбой Сул тонов эгатларга сув тарамоқда.

В. Салов фотолари.

АТЕИСТИК ТЕМАДА

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

КПСС Программасида илгари сурилган муҳим вазифалардан бири коммунизм кишисини тарбиялаш масаласидир. Жамият аъзоларининг онглилиги қанчалик юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий техника базасини вужудга келтиришдаги, меҳнатнинг коммунистик формаларини ва кишилар ўртасидаги янгича муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активликлари шунчалик тўла ва кенг ривож топади, демак коммунизм қурилиши вазифалари жадал ва муваффақиятли ҳал этилади.

Коммунизм кишисини тарбиялашда ўтмиш сарқитларига қарши ҳужумни кенг кўламда авж олдириш айниқса муҳимдир. КПСС Марказий Комитети июнь (1963) Пленумининг ҳозирги замон шароитида партиянинг идеология ишлари соҳасидаги вазифаларини аниқ белгилаб берган қарорида ҳам бу масала алоҳида уқтирилган.

КПСС Марказий Комитети идеология комиссиясининг бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида атеистик пропаганда, илмий дунёқарашни шакллантириш ва совет кишиларини атеистик тарбиялаш масаласи кўриб чиқилди. Кенгаш қатнашчилари атеистик тарбия масалаларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар. Идеология комиссияси ишлаб чиққан амалий тавсиялар КПСС Марказий Комитетининг «Аҳолиниг атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида маъқулланди.

Ҳозирги вақтда ўтмишнинг энг ўрнашиб олган сарқитларидан бири — диний хурофотдир. Совет халқининг асосий кўпчилиги эътиқоди мустаҳкам атеистлар бўлиб, улар ўз орзу-умидларини худога эмас, балки ижтимоий меҳнатга, социалистик жамиятга қаратганлар. Улар аршиаълодаги жаннатни ва нариги дунёдаги ҳаёт умидида эмас, балки шу реал ер юзида коммунизм қуришда актив меҳнат қилиш учун яшамоқдалар.

Лекин совет кишиларининг бир қисмида диний қарашлар ўтмиш сарқити сифатида ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Кишилар онгидаги диний сарқитларни йўқотиш йўлларидан бири динга қарши илмий атеистик пропагандани кенг миқёсда активлик равишда авж олдириб, динга ишонувчи, иккиланиб юрувчи барча гражданларни шу пропаганданинг таъсир доирасига тортишдир. Бунда биз улуғ доҳимиз В. И. Ленинниг қуйидаги кўрсатмасига амал қилишимиз лозим: «Бу оммага атеистик пропагандага оид қаҳрли материал бериш, унинг турмушнинг турли соҳаларидан олинган фактлар билан таништириш, унга гоҳ ундай, гоҳ бундай мулоҳала қилиб, уни қизиқтириш, диний уйқудан уйғотиш, турли-туман йўллар, турли-турли усуллар билан қизиқтириш ва бошқа шу сингари чоралар кўриш керак».

Биз ушбу мақолада маҳалла аҳолиси ва завод-фабрикалар меҳнаткашлари орасида олиб борилаётган атеистик пропаганда соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашмоқчимиз.

Маълумки илмий атеистик пропаганда олиб боришда турли шакл ва методлардан фойдаланилади. Савол-жавоб кечалари; турли илмий-тажрибалар асосида ўтадиган тематик кечалар; йирик олимлар, мутахассислар билан учрашувлар; энг оммабоп, қизиқарли ва таъсирли формалардан ҳисобланади. Республика илмий атеизм уйи нейинги вақтларда атеистик пропагандининг бундай формаларидан фойдаланишга катта эътибор бермоқда.

Яқинда Чилонзор районидаги «Гулистон» маҳалласида «Дин қандай пайдо бўлган?» деган темада савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Кечани Тошкент Халқ хўжалиги институти философия кафедрасининг старший ўқитувчиси Н. Эрбўтаев ва республика илмий атеизм уйининг илмий ходими Н. Ҳўжаевлар олиб бордилар. Маҳалла меҳнаткашларидан жуда қизиқарли саволлар тушди:

Қўръон ким томонидан ёзилган? Диний маросимлар ислом динидан олдин ҳам бўлганми? Муҳаммад бўлмаса ҳам ислом дини вужудга келар эдими? Нима учун дин пайдо бўлди? Динсиз даврлар бўлганми? Коммунизмда дин бўладими? Бу каби саволларга йиғилганлар аниқ илмий жавоб олдилар.

Октябрь районидаги «Правда» маҳалласида «Дин ва коинот» деган мавзуда тематик кеча ўтказилди. Бу кечага республика илмий атеизм уйининг кўчма қишлоқ планетарийси ҳам олиб келинди.

Кеч соат саккиз бўлганида шу маҳалладаги масчит эшиги олдига ўрнатилган кичик телескопни кўпгина кексалар ва ёшлар ўраб олишди. Лектор осмон «сирлари» ҳақида тўлиқ тушунча берилганидан кейин, телескоп объективини ўн беш кунлик тўлин ойга тўғрилади. Маҳалла аҳли навбат билан ойни кузатабошладилар. Навбат сиз расмда кўриб турган ёши 70 дан ошган чолга келганди, ота тортинибгина телескопга яқинлашди. «Сеҳрли труба» ичидан ажойибот топгандек, ота узоқ муддат тикилиб қолди.

— Отахон нималарни кўраяпсиз— савол билан мурожаат қилди лектор.

— Болам, чуқурликлар, паст-текисликлар, тоғларга ўхшайди. Ой ўзи шунақа бўладими ёки кўзимнинг хиралашиб қолгани асар қилаяптими? — деди ота.

Биз ойнинг ердан қарийб 384 минг километр узоқлигини, ойда ҳаво ҳам, сув ҳам йўқлигини, ойнинг қуёшга қараган томонида ҳарорат +100 градусдан +120 градусгача боришини, бизга кўринмайдиган томонида эса, ҳарорат—120° дан —160° гача совуқлигини, ойнинг сатҳи эса чуқурликлар, паст-текисликлар ва катта-кичик тоғлардан иборат эканлигини тушинтиргандан кейин яна отага савол ташладик:

— Айтингчи, Ойнинг сиртидаги доғни илгари қандай тушунар эдингиз?

Чол ўйланиб қолди. Сўнг яна телескопга қараб олди-да, жавоб берди:

— Болам, тўғрисини айтсам, буни бизга бошқача тушунтиришган. Айтишларига кўра, гўё Ой билан Қуёш ким гўзал деган темада суҳбат ўтказган эмиш. Ой сендан мен гўзалман депти. Шунда қуёшнинг жаҳли чиқиб Ойнинг юзини тирнаб олган эмиш. Шунинг учун Ойнинг юзида доғ бор деб тушунтиришган. Ҳозир кўзларимга ишонмаяпман, болам, хўп содда эканмиз-да. Руҳонийларнинг бўлмағур сафсата гапларига ишониб юрган эканмиз. Ўйлаб қарасам бу афсона гаплар бошдан-оёқ уйдирма экан. Осмон сирларини ўрганаётган мана бундай ажойиб асбобларни яратган олим-фозилларимизга раҳмат-ей!

Лектор тўпланганларни қизил чойхонага таклиф қилиб, суҳбатни экранга бирин-кетин тушиб турган кино кадрлар воситасида давом эттирди. У Ой тутилиши, Қуёш тутилиши ҳақида диний ақидаларнинг афсона ва асоссиз эканлигини батафсил гапириб берди.

Қуёшни аждар ютаётган расм экранда пайдо бўлганда залда жонланиш пайдо бўлди. Бу қадимги афсона. Гўё, Қуёш тутилганда уни аждаҳо ютар эмиш; аждаҳони қўрқитиш учун эса одамларнинг жом, қозон, темир чалиши, азон айтиши керак эмиш. Ахир, Қуёшнинг сиртида иссиқлик 6.000 градус, ичидаги ҳарорат эса +20.000.000 градус бўлади-ю, уни қандай қилиб аждаҳо ютиши мумкин, ахир! Бу афсонанинг нақадар беъмани эканидан залда ўтирганлар роса кулишди.

Булардан ташқари меҳнаткашлар орасида илмий-атеистик тарбия олиб боришда илгари, руҳоний, эшон, азоймхон, дуохон бўлиб, нейинчалик бу йўлдан қайтиб атеист бўлган кишилар билан «Биз нега исломдан юз ўгирдик» деган темада учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳам анча самарали натижалар бермоқда. Октябрь районидаги «Ҳақиқат» маҳалласида илгари Хоразмда машҳур эшон бўлган, ҳозирда эса республика илмий атеизм уйининг илмий ходими Низомиддин ибн Ниёз ҳўжа билан учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувга маҳалланинг 200 дан ортиқ аҳолиси тўпланди. Учрашув яхши натижа берди. Диннинг сирини ва руҳонийларнинг кирдикорларини «ичида юриб» шахсан билган одамнинг ўзи қилган бемаъни ишлардан мисоллар келтириб айтган сўзлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар Чилонзор районидаги «Коммунизм», «Юзиробод» маҳаллаларида, Киров районидаги 5-мактабда, Калинин районида ташкил этилган «Атеистик билим мактаби»да бўлиб ўтди. «Ёр ва дин» деган темада Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйида савол-жавоб кечаси ташкил қилинди.

Республика илмий атеизм уйи юқоридаги тадбирлардан ташқари Тошкент шаҳрининг бир қанча маҳаллаларида атеистик лекторийлар ташкил этган. Чилонзор районидаги Тельман, Қурилиш, Ильич маҳаллаларида ҳамда Крупская номли республика мактабгача тарбия билим юртида, Навоий номли кинотеатрда ишлаб турган лекторийлар фаолияти мақтовга сазовордир. Чилонзор район партия комитети билан биргаликда ташкил этилган бир йиллик «Атеистик билим мактабида» эса ҳозир 100 дан ортиқ пропагандист шуғулланмоқда.

Ўтмишнинг қолдиғи — динни батамом ҳаётимиздан ситиб чиқариш коммунизмнинг актив қурувчиси бўлган ҳар бир илғор совет кишисининг муҳим ва муқаддас бурчидир. Чунки дин бизни коммунизм сари олға боришимизга тўғаноқдир. Ана шу чирнин тўғаноқни оёқ остимиздан олиб ташлайлик.

Ғ. ШОКИРОВ,
Тошкентдаги республика илмий атеизм уйининг бўлим бошлиғи.
В. ОДИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



Суратда: маҳалла қариялари телескоп билан осмон «сир»ларини кузатишмоқда.
А. Тўраев фотоси.

ЖАМОАТЧИЛИК — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Жамоатчилик нималарга қодир эмас, дейсиз. Кўпчилик фикрлашиб истаган нарсасини рўёбга чиқара олади. Октябрь районидаги Муқимий номли маҳаллада ҳам шундай бўлди. Маҳалла активлари тўпланишиб, кўпгина масалаларни муҳокама қилишди. Улар маҳаллани ободонлаштириш ҳақида ҳам, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш ҳақида ҳам суҳбатлашишди.

Шу маҳаллада яшовчи юқори малакали медицина ходимлари эса, аҳоли саломатлигини қўриқлашга доир муҳим таклифи ўртага қўйишди. Маҳаллада медицина курси ташкил этиш ҳақидаги бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди ва шундан кейин маҳаллада 36 соатлик медицина курси ташкил этилди.

Машғулот бошланган дастлабки кундаёқ курсга 25 дан ортиқ ўрта маълумотли медицина ходими қатнашди. Машғулотларда республика эпидемология станцияси бош врачининг ўринбосари Х. Ҳидоятов, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш республика илмий-текшириш институтининг илмий ходими, медицина фанлари қандидати Обид Содиқов, медицина ходимлари республика касаба союзи комитетининг раиси Р. Қодиров, 1-шаҳар клиника касалхонасининг хирурги Р. Авезбадалов ўртоқлар тиббий темаларда лекциялар ўқишяпти.

Бир неча машғулотдан сўнг курс тингловчилари участкаларга бириктириб қўйилди. Улар ўз участкаларида санитария ҳолати ва аҳоли соғлигини текшириб туришади, қоқумли касалликларнинг олдини олиш тадбир-чоралари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришади.

Маҳаллада жамоатчилик асосида ишлайдиган медпункт ҳам ташкил этилди. Бу ерда терапевт Х. Алимов, республика кўз касалликлари диспансерининг бош врач ўринбосари Х. Жалилов, 15-шаҳар касалхонасининг врачи А. Убайдуллаев, врач А. Қодиров ва бошқа малакали медицина ходимлари ҳафтада икки марта беморларни қабул қилишади.

Шу кеча-кундузда маҳалла аҳолиси медицина назоратидан ўтказилмоқда. Текшириш натижасида аниқланган касалликларнинг олдини олиш учун беморлар дарҳол касалхонага жойлаштирилади. Кўпгина касаллар эса жамоатчи врачлар қўлида ўз уйларида даволанишяпти.

Шунингдек маҳаллада ободончилик, сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишлари бўйича ҳам алоҳида-алоҳида комиссиялар ишлаяпти. Бу ишларга маҳалладаги жамоатчи коммунистлар бошчилик қилмоқда. 24-мактаб ўқитувчиси А. Жабборов ташаббуси билан уюштирилган «Мўъжизасиз мўъжизалар» кечаси жуда қизиқарли ўтди. Октябрь район партия комитети лектори ўртоқ Усмонов ҳам атеистик темаларда тез-тез суҳбат ва лекциялар ўтказиб туради.

Маҳаллада ташкил этилган ўртоқлик судининг иши ҳам диққатга сазовордир. Ўртоқлик суди (раиси М. Убайдуллаев) ишёқмас, жамоат тартибини бузувчи айрим шахсларга нисбатан жиддий қураш олиб бормоқда. Ичиб келиб оила аъзоларининг тинчлигини бузаётган, фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган Тоҳир Обидов, Илҳом Каримов сингари аҳлоқи бузуқ кишиларга ўртоқлик суди катта таъсир кўрсатди.

Ҳозир маҳалла жамоатчилиги бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун, деган принцип асосида иш олиб бораяпти. Улар маҳалла территориясини ободонлаштириш, озода тутиш, кўкаламзорлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор беришяпти.

Кўпчиликдан қуён қочиб қутилмас, деганларидек жамоатчилик ҳамжиҳат бўлса, иш кўнгилдагидек бўлар, аҳоли қовушиб, ҳар қандай мушкул ишларни ҳам ҳал қилаолар экан. Жамоатчилик қудратли кучдир.

З. ШОКИРОВ,
Р. УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси газета, журнал редакциялари ва нашриётлар ходимларининг Тошкент давлат университети журналистика кафедраси ўқитувчилари билан учрашувини уюштирди. Учрашувда ёш журналист кадрларни тайёрлаш ва факультет студентларининг редакцияларда ўтказадиган практикасини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишлаб, республика фотовиставкаси очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай виставкалар Қорақалпоғистон АССРда, Самарқанд, Андижон ва Фарғона областларида ташкил этилади. Журналистлар союзининг ижодий фотостудияси юбилейга бағишлаб бир қанча открыткалар тайёрлайди.

Газеталарнинг ҳарбий-ватанпарварлик темасидаги материалларини кўрикдан ўтказишга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ЎҒИТЛАР МЎЛ БЎЛАДИ

Химия индустрияси пешқадамларининг кенгашидан

Мамлакатнинг турли бурчакларидан келган азот саноати ишлаб чиқариш илғорлари, инженерлар, олимлардан юзларча киши беш кун мобайнида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари муносабати билан азот саноати олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Азот саноатида техникани янада тараққий эттириш йўллари белгиланди, катта-катта ички резервлар очилди.

Кенгашнинг Чирчиқда чақирилганлиги тасодифий эмас. Ўзбекистоннинг бу ёш шаҳри мамлакат химия индустриясининг йирик марказига айланган. Чирчиқликлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда бой тажриба орттирдилар, мамлакатда энг арзон азот ўғитлари ишлаб чиқариш учун мусобақанинг ташаббускорлари бўлдилар. Химиклар Бутуниттифоқ кенгашининг Чирчиқда очилишини меҳнат ғалабалари билан нишонладилар — йил бошидан бери топшириққа қўшимча суратда 11 эшелон минерал ўғит жўнатилди.

Кенгашнинг ялпи мажлисида ва секциялар мажлисларида 50 доклад тингланди. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини тезроқ бажариш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

ЎзТАГ мухбири А. Ершов СССР Госплани ҳузуридаги Химия саноати давлат комитети раисининг ўринбосари В. Е. Ковалдан кенгаш якунларини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Кенгаш азот саноатини кейинги йилларда ривожлантириш якунларини тўлади,—деди В. Е. Коваль. — КПСС Марказий Комитетининг май (1958 йил) Пленумидан кейин индустриянинг бу соҳасида миқдор ва сифат жиҳатидан катта ўзгаришлар рўй берди. Шчекино, Невинномисск, Новокемерово комбинатлари, Гродно, Фарғона азотли ўғит заводлари ва бошқа корхоналар ишга туширилди. Қисқа вақт ичида нисбатан оз капитал маблағ сарфлаш йўли билан мавжуд корхоналарда аммиак ишлаб чиқариш қувватлари анча оширилди. Шунинг натижасида кейинги беш йил мобайнида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд кўпайди.

— Кейинги йилларда азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қаттиқ ёқилғи билан ишлашдан табиий газга кўчирилди. Бундан қандай наф кўрилди?

— Кенгаш ана шу тажрибани умумлаштирди. Табиий газ билан ишлашга ўтиш катта иқтисодий самара берди. Масалан, ўғит тайёрлашда асосий маҳсулот бўлган аммиакнинг таннархи деярли икки баравар камайтирилди. бу химиявий моддани ҳосил қилишда меҳнат унумдорлиги 40 процент ошди. Натижада ўғитнинг таннархи ҳам сезиларли даражада арзонлашди.

Қайтадан ускуналанган заводларда газогенераторчилар ва олтингугурт тозалаш цехлари ишчиларининг оғир меҳнати технология жараёнидан чиқариб ташланди. Корхонанинг бутун қиёфаси ўзгариб кетди.

— Ишлаб чиқарилаётган азотли ўғитлар структурасида қандай сифат ўзгаришлари рўй берди?

— Кейинги беш йил мобайнида мамлакатимизда гоят концентрлаштирилган азот ўғити ва чорва мол озуқасига қўшиладиган қимматли модда бўлган карбамид ишлаб чиқариш 15 баравар ортди. Ҳозир Шчекинода, Салаватда ва Чирчиқда жаҳонда энг катта карбамид ишлаб чиқарувчи агрегатлар ўзлаштирилмоқда. Бу иш саноатчиларни бормоқда.

Мураккаб ўғитлар мамлакатда биринчи марта Новомосковск комбинатида ишлаб чиқарила бошланди. Шу корхонада ҳосил қилинган нитрофоска озиқлантирувчи моддаларнинг таннархини 20—25 процент камайтиради.

Далаларда аммиак сувини қўлланиш мамлакат халқ хўжалигига йил сайин миллион-миллион сўмларни тежаб қолиш имконини беради — аммиак сувидаги азот бирлигининг таннархи аммиак селитрасига қараганда 20—30 процент арзон бўлиб, саноатга капитал маблағ сарфлаш ҳиссаси деярли учдан бир баравар кам бўлади. Илғор хўжаликларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРдаги илғор хўжаликларнинг тажрибаси суюқ ўғитлардан гоят самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми илгари сурган вазифаларни бажара бориб, 1970 йилга борганда ўғитларнинг прогрессив турларини —карбамид, мураккаб ва суюқ ўғитларнинг азотли ўғитлар умумий балансидаги улушини кўпайтиришга аҳд қилганлар.

— Етти йилликнинг охирги йилларида азот саноати ходимлари олдида қандай вазифалар турибди?

— Бу вазифалар партия Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан келиб чиқади. Бу қарорларда 1965 йилда 35 миллион тонна минерал ўғит, шу жумладан 15 миллион тонна азотли ўғит ишлаб чиқариш белгилаб қўйилган. Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш икки баравардан оширмоқ лозим. Бу ўсишнинг катта қисми янги қувватларни ишга туширишга ҳисобига қўлга киритилади. Етти йилликнинг кейинги икки йили ичида азот заводлари қурилишига бир миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Шундан аввалги беш йил мобайнида ана шу миқдордан 860 миллион сўм сарфланганлигини эсласанг, бу маблағнинг қанчалик кўплиги маълум бўлади.

— Ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ички резервлар борми?

— Етти йилликнинг олтинчи йилида азот саноати ходимлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, топшириқдан ташқари ўн мингларча тонна ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган.

Кенгаш конверсия ва мис-аммиак тозалаш бўлимлари ҳамма жойда Чирчиқдагидек ишласин, суюқ азот билан ювиш иши ҳамма жойда Невинномисскдагидек йўлга қўйилсин, компрессорлардан фойдаланиш коэффициенти эса ҳамма жойда Березники комбинатида эришилган даражага кўтарилсин, деган вазифани қўйди.

Маҳсулот таннархини камайтириш ва ишдаги бошқа оғир кўрсаткичларини яхшилаш соҳасида заводларда катта-катта резервлар бор. Масалан, Новомосковск химия комбинатида аммиакнинг таннархи мамлакатимизда энг кам ҳисобланади. Чирчиқ химиклари ҳам шу кўрсаткичга яқинлашиб қолдилар.

Азот саноати ходимлари 1966—70 йилларда қандай вазифаларни ҳал этишлари лозим?

— Бу йиллар мобайнида азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш, АҚШдан ўзиб кетиш керак.

Бу гоят катта вазифаларни тезроқ ҳал қилмоқ учун олдиндан илмий ва лойиҳа ишларини бажариб қўймоқ керак. Шу сабабли ҳозир тажриба — саноат установкалари қурилишига, энг янги технологияни созлашга, энг яхши ҳоссаларга эга бўлган ўғитлар яратишга алоҳида эътибор бермоқ зарур.

— Ўрта Осиё иқтисодий райони азот саноати корхоналари олдида қандай вазифалар турибди?

— Ўрта Осиёда азотли ўғитлар саноати умуман мамлакатда бўлганига қараганда анча тез суръатлар билан ривожлантирилади. Азот саноати ходимлари олдида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг азотли ўғитларга бўлган талабини тўла-тўкис қондириш вазифаси турибди. Бу районда Навоий химия комбинати, Вахш азотли ўғит заводи қурилиши авж олиб кетди. Чирчиқ, Фарғона, Самарқандда янги-янги қувватларни ишга тушириш лозим. Ҳозирги вақтдаги энг асосий вазифа шуки, бу муҳим объектларни қуришда бир кун ҳам, бир минут ҳам бой берилмасин, корхона ва агрегатлар тезроқ ишга туширилиб, ўзлаштириб олинсин.

Ишлаб чиқаришнинг ички резервларини аниқлашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Чирчиқ химиклари кенгаш вақтида ўзларининг мусобақадош ўртоқлари билан кўпгина фойдали тажрибаларни бахам кўрдилар. Лекин чирчиқликлар ҳам мамлакатдаги ўхшаш корхоналар ютуқларини жорий қилишни унутмасликлари, барча илғор тажрибаларни актив қўллашлари зарур.

„ЯШИЛ ОЛТИН“

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти бу йил «Яшил олтин» номли биринчи брошюрани жамоатчилик асосларида нашр этди. Брошюра автори — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. Т. Лев Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозидан Қуддош Эргашев бошлиқ илғор бригаданинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади.

Илмий-техника жамияти Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон олимлари ҳамда мутахассисларининг сабзавотчиликни интенсивлаштиришга бағишланган асарлари тўпламини ҳам босмага тайёрлади. Китобга 38 мақола киради. Булар орасида «Помидор ва картошкани тупроқсиз етиштириш», «Тошкент областида етиштирилган помидор кўчатларидан мамлакатнинг шимолидаги — Омскдаги шароитда фойдаланиш» ҳақидаги мақолалар бор.

Жамият бу йил республика олимлари ва мутахассисларининг 12 асарини босиб чиқармоқчи. Жумладан, Сирдарё областидаги «Малик» совхозидан мамлакатнинг донгдор механизатори Жавод Кўчиев бригадасининг, Ўзбекистон чорвачилик институти «Красний водопад» экспериментал базасидан Ўзбекистоннинг илғор сут согувчиси Анастасия Чуднаянинг, Оқ-қўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлардан бошқа илғорларнинг тажрибаси тўғрисидаги брошюраларни нашр этиш учун тайёрланмоқда. (ЎзТАГ).

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги Ўзбекистон республика комитети ХХР раҳбарларининг Осиё—Африка мамлакатлари иккинчи конференциясида СССРнинг қатнашувига йўл қўймасликка уринганликларига қарши қатъий норозилик билдиради. ХХР раҳбарлари Жакартада бўлиб ўтган тайёргарлик кенгашида шундай қарашилик кўрсатишга уринди.

Бу кенгашда Хитой делегациясининг бошлиғи — ХХР Давлат кенгаши раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Чэнь И сўзга чиқиб, ХХР раҳбарларининг Осиё — Африка мамлакатларининг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигини ислан чиқаришга қаратилган йўлини ўтказишга интилди ва исботлаш мумкин бўлмаган нарсани исботлашга уринибгина, ўзини бемаъни аҳволга солиб қўйди, чунончи, СССР гўё Осиё мамлакати эмас ва бўлажак конференцияда СССРнинг қатнашиши сира даркор эмас, деб даъво қилди.

Чэнь И келтирган «далиллар»нинг бемаънилиги ҳаммага маълум. Зотан географиядан озми-кўпми билими бўлган салгина бўлса ҳам саводли киши Совет Иттифоқи Европа мамлакати бўлибгина қолмай, шу билан бирга, энг йирик Осиё мамлакати ҳам эканлигини яхши билади. Осиё территориясининг тахминан 40 проценти Совет Иттифоқига тўғри келади ва СССРнинг Осиё қисми бутун Хитой территориясидан қарийб икки баравар ортиқдир.

Совет Иттифоқи составига Урта Осиёдаги бошқа республикалар билан бирга, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам киради. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси бошқа тенг ҳуқуқли республикалар билан бирга Совет Социалистик Республикаларининг ягона Иттифоқига (СССРга) ихтиёрий равишда бирлашган суверен давлатдир.

Ўзбек халқи кўп асрлар давомида ўзига хос ва жуда бой маданият яратди. Бу маданият ёдгорликлари эса жаҳон маданияти хазинасига ҳисса бўлиб қўшилди. Улнан шоир Навоийнинг асарларини, атоқли астроном Улуғбек ёзиб қолдирган китобларни, Самарқанд, Бухоро ва Хеванинг архитектура жиҳатдан энг бой ансамбларини бутун дунё билади. Бу эса ҳаммага Осиё қитъасида яшаб келган ва ҳозир ҳам яшаётган Шарқ халқларидан бирининг маданияти эканлигини ҳеч ким ҳеч қачон инкор қилмайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли феодализм зулмидан халос бўлган ўзбек халқи тарихан мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида улуғ рус халқининг ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг кўрсатаётган қардошлиқ ёрдами билан қудратли индустрия, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигини вужудга келтирди, маданият ва илм-фанни ривожлантиришда гоят катта муваффақиятларга эришди. Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатларнинг, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг ҳам вакиллари Совет Ўзбекистонига меҳмон бўлиб келган вақтларида буларнинг ҳаммасини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эдилар.

Ўз интернационал бурчига содиқ ўзбек халқи Осиё ва Африка мамлакатларининг ўз миллий мустақиллиги ва озодлиги учун нурашаётган халқларига бўлган чуқур хайрихоҳлиги ва улар билан қардошларча ҳамкорлик туйғуларига амал қилиб, бутун совет халқи каби Осиё ва Африка мамлакатлари халқларига ҳар тарафлама, шу жумладан, иқтисодий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатишда актив қатнашиб келмоқда.

Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкент шаҳри Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг жаҳон тарихидаги биринчи конференцияси, Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро кинофестивали ва бошқа бир қанча халқаро учрашувлар ўтказилган жой бўлиб қолиш шарафига муяссар бўлди. Бу учрашувлар Осиё ва Африка мамлакатларининг халқларн ҳаётидаги энг муҳим проблемаларни ҳал қилишга бағишланган эди.

Ўзбекистон республикасининг Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги республика комитети, Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети, Ёшлар ташкилотлари республика комитетлари каби жамоат ташкилотлари ва Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ўзларининг актив фаолиятини Осиё ва Африка халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашини ҳимоя қилишга, империалистик давлатларнинг ана шу мамлакатларда ўтказаётган агрессив сиёсатини фош қилишга, шармандали мустамлакачилик системасининг ҳамма форма ва кўринишларини қолдиқларини тугатишга қаратмоқдалар.

Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги Ўзбекистон республика комитети ХХР ҳукуматининг ягона антиимпериалистик фронтни зичлаштириш мақсадини кўзда тутаётган бузғунчилик сиёсатини қатъиян қоралайди. ХХР ҳукуматининг бу сиёсати советларга қарши ёвуз ниятни кўзлаётган «Пекин йўли»дан келиб чиқмоқда. «Пекин йўли» чирнин ирқчилик ва миллатчилигини тарғиб қилади, у империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларнинг манфаатларига хиёнат қилишга олиб келади.

Осиё ва Африка ҳамкорлиги Ўзбекистон республика комитети Совет ҳукуматининг Осиё—Африка мамлакатлари иккинчи конференцияси мустамлакачилик нуллигига қарши, империализмга қарши нурашаётган барча кучларни жипслаштириш мақсадини ўз олдига қўйса ва бошқарги ана шу кучларни бир-биридан ажратиб юборишга мақсадларини кўзда тутмаса, Осиё—Африка мамлакатларининг иккинчи конференциясини чақирилишини қўллаб-қувватлайди деб чиқарган қарорини қизғин маъқуллайди.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари билан бирга, империализмга қарши кучларни янада жипслаштириш ва мустаҳкамлаш учун қўлидан келадиган ҳамма чораларни кўришга тайёр.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЎЧОҚЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1959—1965 йилларда мактаб-интернатларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорига бугун беш йил бўлди. Бу қарор ёш авлод тарбияси тўғрисида партия ва ҳукуматимиз томонидан қилинаётган катта ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ана шу қисқа давр ичида мактаб-интернатлар сони ортди. Уларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари савияси яхшиланди.

Ҳозирги кунда фақат областимизнинг ўзида еттита мактаб-интернат ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилида область меҳнаткашларининг болалари учун яна иккита тарбия ўчоғи қуриб фойдаланишга топширилди. Бу тарбия ўчоқларида 2.950 ўғил-қиз аҳил оила бўлиб яшаяпти. Бу йил Бўка районида 664 ўринли янги мактаб-интернат ишга туширилади.

Пойтахтимиздаги мактаб-интернатлар тармоғи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шаҳарда еттита мактаб-интернат бор. Улар тажрибали педагоглар ва тарбиячилар билан етарли таъминланган.

Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги Педагогика билимлари илмий-текшириш институти ҳузуридаги мактаб-интернат энг намунали тажриба ўчоқларидан бирига айланган. Экспериментал база ролини ўйнаётган бу тарбия ўчоғида педагогика фани билан шуғулланаётган илмий ходимлар ҳам ишламоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 26 МАЙ 1964 ЙИЛ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИБ, КЎЧАТЛАРНИНГ ТЕЗ ВА СОҒЛОМ РИВОЖЛАНИШИГА ЭРИШАЙЛИК

Бекободда сусткашлик

Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларининг далаларида Тошкент қишлоқ область партия комитетининг бир группа аъзолари бўлдилар.

Улар ғўза парваришининг қандай уюштирганлигини текшириш билан бирга колхоз ва совхозларда йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташлаш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқдалар. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, баъзи хўжаликларда ҳозирги ғанимат кунларнинг қадрига етилмаётир. Барча куч ва техника ғўза парваришига сафарбар қилинмаган. Бригада ва звеноларга раҳбарлик қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаяпти.

Комиссия аъзолари Дзержинский номли колхозда бўлганларида дала кезиб, картама-карта юриб, ғўзанинг ҳолатини кўздан кечирдилар. Улар айниқса, К. Ҳайдаров, З. Ғоипова ва С. Назарова ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялаштирилган звенолар ва Т. Хўжақулов, Х. Пардаев, А. Жуманов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бўлганларида чигит бир текис ундириб олинганлиги, ҳар туп ғўза меҳр билан парвариш қилинаётганлигини кўриб хурсанд бўлдилар.

Комиссия аъзолари ўртоқ Т. Эркаевнинг даласида бўлганларида кўнгилсиз ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Бу бригаданинг картасидан бири текшириб кўрилганда кўчат сийрак, унинг қалинлиги мўлжалдагига нисбатан 60—70 процент эди. Тракторчи Р. Бердиев бўлса машинасини юқори тезликда ҳайдаб, ғўзани механизация воситасида чеканка қилиб кетаяпти. Ана шундай пала-партиш чеканкадан сўнг баъзи бир уяларда фақат биттадангина, баъзи уяларга эса сира ҳам кўчат қолмаяпти. Кўчатларнинг баъзи бирлари юлиниб, ерга қориштириб юборилган. Бригадир шу ерда айланиб юрган бўлса ҳам тракторчининг бу ишини кўриб-кўрмасликка олган.

— Бундай «ягана»дан сўнг бригадангизда ҳар гектар ерда ҳатто 50 минг тупдан ҳам кўчат қолмайди-ку, — деди шунда комиссия аъзоларидан бири Эркаевга мурожаат қилиб.

— Ҳеч қиси йўқ, икки томонлама культивация қиламиз-да, — ўйламасдан жавоб берди бригадир.

Кейин у ўзининг мақсадсиз айтилган гапини тушуниб қолди шекилли уялганидан қизариб ерга қаради. Ахир кўндалангига культивация қилиш билан йўқ кўчатни бор қилиб бўлмайди-ку!? Комиссия аъзолари агрегатни тўхтатдилар, уни эгатнинг четига чиқариб қўйдилар. Ишга колхозчиларнинг ўзлари тушиб кетишди: улар қўл билан ғўзани ягана қилиб, қатор ораларини юмшата бошладилар.

Навоий номли колхозда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди ва кўпгина қимматли мулоҳазалар айтилди. Масалан, колхознинг Жовокаев звеносида табелчи Бутаев ягана сифатсиз ўтказилган бўлса ҳам уни қабул қилиб олаверган. Айбдорга ишни янгидан бажаришни тавсия этдилар. Ортиқча кетган сарф-ҳаражат афтидан ундан ундириб олинади.

Колхознинг ўртоқ Бойбўтаев бригадасида учдан икки қисм майдондаги чигит ҳали униб чиқмаган. Бу майдонларни енгил-елпи суғориш ва қайта экишни йўлга қўйиш ҳақида маслаҳат бердилар.

Колхоз правлениеси пахтакорларнинг маданий-маиший шароити тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаяпти. Дала шийпонлари жиҳозланмаган. Иссиқ овқат қилиш ҳалигача йўлга қўйилмаган. Вақтинчалик болалар яслисини очиш масаласи ҳалигача ҳал қилинмаган. Колхоз партия ташкилотининг секретари Н. Жомоқов сиёсий-оммавий ишларга яхши раҳбарлик қилмаяпти. Колхозчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаати билан тўла таништирилмаган.

«Коммунизм» колхози, «Чаноқ», 1-«Далварзин», 2-«Далварзин» совхозларининг раҳбарлари ғўза зараркунандалари: шира ва бошқа ҳашаротларга қарши қурашда сусткашлик қилаяптилар. «Коммунизм» колхозида меҳнат интизомининг пастлиги туфайли ғўза анча ривождан қолган. Бригадаларда эндигина 20—30 процент майдондаги ғўза биринчи ишловдан чиқарилган. Шунинг учун ҳам ғўза нимжон бўлиб ўсмоқда. Колхоз правлениеси бир неча тракторчиларни дала ишларидан олиб, уларни бошқа мақсадларда фойдаланиб, катта камчиликка йўл қўйган.

Текшириш натижалари кечқурун ҳар бир хўжаликнинг ўзида муҳокама қилинди. Ғўза, маккажўхорининг ривожидаги қолоқликни тугатиш учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

З. ОРИПОВ.
А. МАЛИКОВ.



«Красний водопад» экспериментал базанинг ишчиси Анастасия Чудная моҳир сут соғувчи сифатида областдагина эмас, республикамизда ҳам донг таратди. Миришкор аёл ҳозирда ўз боқувидаги соғин сигирларнинг ҳаммасидан мўлжалдагидан анча оширди сут соғиб оляпти. Суратда: Анастасия Чудная.

А. Абалян фотоси.

ТЮПКОЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Республикамизнинг шонли 40 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб «оқ олтин» далаларида шижоаткорлик билан меҳнат қилаётган Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари яшил ниҳолларни меҳр қўйиб парвариш қилмоқдалар. Ғўза парвариши колхознинг бу йил ташкил топган тюпкочи бригадаларида айниқса намунали бораяпти. Бу бригадаларга деҳқончиликнинг моҳир усталари — Абдуманнон Боймақов, Отабек Қўзибоев ва Карим Азизовлар бошчилик қилишаяпти. Колхоз мана шу бригадаларга таянган ҳолда хўжаликда ишлаб чиқаришни интенсивлаш асосларини йўлга қўймоқда.

Бригадаларда ишнинг бошланиши — чигит экишга катта эътибор берилди. Экиш кўклам нозларидаги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай уюшқоқлик билан ўтди. Барча майдонларга «оқ олтин» уруғи квадрат-уялаб, баравар ва сифатли экиб олинди. Ҳозир мазкур тюпкочи бригадаларнинг ҳамма майдонларидаги яшил квадратлар гуркираб амал олмоқда. Ниҳолларга икки томонлама ишлов берилмоқда, минерал ўғитларга тўйдирилмоқда. Букетлар ростланаяпти.

Тюпкочи бригадалар орасида ўртоқ Абдуманнон Боймақов бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишаяпти. Бу коллектив экиш кампанияси даврида ҳам яхши ишлаб, олдинда борди. 58 гектар майдоннинг ҳаммасига чигит 60х60 схемасида жойлаштирилди. Чигит дорилаб экилди. Фақат квадрат-уялаб экиш ҳисобигагина бригада пахтакорлари 687 сўм маблағни иқтисод қилиб қолдилар. Квадратнинг беқиёс афзалликларини яхши тушуниб олган миришкорлар ғўза парваришини ҳам соз ва сифатли ўтказиш эвазига кўплаб меҳнат кунини тежаб қолиш, мўл ҳамда анча арзон пахта етиштириш учун курашмоқдалар.

Илғор бригаданинг барча ғўзалари бир текис ажиб олаяпти. Эгатлар оралаб универсаллар штоб билан сузмоқда. Ишлов билан бир вақтда ҳар гектардаги яшил ниҳолларга 300 килограммдан селитра бериб озиқлантириб кетиладди. Ғўза тезкорлик билан ягана қилинаяпти.

Мавсумда ҳар гектар ҳисобига планда белгиланган 22 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қатъий аҳд қилган азаматлар ғўзаларга бу йил жами бўлиб узунасига тўрт марта, кўндалангига уч марта ишлов бериш, тўрт марта сувга қондириб суғориш, ўғитга тўйдириш билан гектарлардаги ҳар 90 — 95 минг туп кўчатда мўл ҳосил тўплашмоқчи. Аҳдлари устидан шараф билан чиқишмоқчи.

Т. НАБИЕВ,
Қ. ПАРПИЕВ.
Урта Чирчиқ.

СУТ ОҚИМИ

Қишлоқ кўчалари, ҳатто бинолар ҳам бир-бирига ўхшаб кетадики, адашиб қоласан, киши. Колхоз сут-товар фермасига қайси йўл билан боришни билолмай, дарахт соясида ўйланиб турган эдик, бир йигит ёнимизга келиб, биз билан кўришди ва «йўл бўлсин» деди.

Биз унга колхоз фермасига бормоқчи эканлигимизни айтдик.

— Мана, бу кўча сизни колхоз сут-товар фермасига олиб боради, — деди икки томонига дарахт ўтқазилган кенг йўлни кўрсатар экан ҳалиги йигит.

Биз ўша йўл билан бориб, сут соғувчи қиз-жувонларнинг жўшқин меҳнат қилаётганлари устидан чиқиб қолдик. Улар бизни самимий қарши олишди.

— Область Советининг депутати ўртоқ Тўйгул Уроловани қаердан топсак бўлади? — сўрадик бидонга сут қуяётган аёлдан.

— Тўйгул мен бўламан, — деди у қулиб ва бизни шийпонга бошлар экан, — менга 20 бош сигир биркитилган, улардан 40.800 литр сут соғиб олиш мажбуриятини олганман, — йўл-йўлакай ҳикоя қилди у. — Ҳозиргача сигирлардан 15.529 литр сут соғиб олдим. Бу боқимимдаги ҳар бир сигирга ўртача 775 литрдан тўғри келар экан.

— Ҳар куни қанчадан сут соғиб олясиз?

— 125—130 литрдан.

Биз ўртоқ Уролова билан суҳбатни тугатиб, молхона ҳамда автопоелкаларни айланиб кўрмоқчи эдик ҳамки, бригадир ўртоқ Абдиқул Еқубов келиб қолди. У, фермада 103 бош сигир борлиги, уларнинг ҳар биридан 1350 литрдан сут соғиб олиш кераклиги ҳақида гапириб берди.

— Ҳозиргача соғиб олинган сут қанча бўлди? — сўрадик ўртоқ Еқубовдан.

— 56,5 тоннадан ошди, — жавоб қилди у.

— Ҳар бош сигирдан олинган-чи?

— 800 литр.

Бунинг боиси бор, албатта. Сигирлар семиз, улар озода сақланади. Бригадирнинг айтишига қараганда, ҳар бир сигирга кунига 1,2 килограмм кунжара, 20 килограмм кўкбеда, 500 граммдан маккажўхори уни берилади. Сигирлар кундуз соат 4 дан 8 гача яйловга олиб чиқилиб ўтлатилади.

Шубҳа йўқки, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхознинг сут-товар фермаси ходимлари сигирлардан сут соғиб олишни янада кўпайтириб Ўзкомпартия ва республикамизнинг шонли 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб оладилар.

Т. НЎЛДОШЕВ.

ТЎЁНА — 30 ЦЕНТНЕР

ЧИНОЗ. Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари шу кунларда ғўза парваришини кўнгилдагидек ўтказмоқдалар. Жонажон диёримизнинг ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олиш учун колхознинг ёшу-қариси бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаяпти. Хўжалик деҳқонларининг тўёнаси — 30 центнер!

Ҳозирга қадар мавжуд 960 гектар майдоннинг ҳаммасида чигит бир текис ундириб олинди. Механизаторлар ғўза қатор ораларини биринчи марта культивация қилишни тугаллай деб қолдилар. А. Қураматов, Т. Расулев, А. Умаров ва Т. Бобоёров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзалар барқ уриб ўсмоқда. Ҳар куни 7—8 гектар ерни сифатли культивация қилаётган механизаторлардан С. Тожиқулов, М. Ерипов, М. Ортиқов ўртоқлар кун сайин ишни аъло олдираяптилар.

А. ТОЖИБОЕВ.

ГИДРОПОНИКАНИНГ ШАРОФАТИ

ОРЖОНИКИДЗЕ (ЎзТАГ). Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг ходимлари стаканчаларда етиштирилган ғўза кўчатларини гидропоника установкасига ўтказишга киришдилар. Ўсимликлар субстратга ўтказилади ва бу ерга ҳар 4—5 соатда озиқа эритмалари солинади. Озиқа аралашмаларининг составини ўсимликларнинг ёшини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Уларнинг таркибида азот, фосфор ва микроэлементларнинг оширилган концентрати бор.

Ўсимликлар физиологияси лабораториясининг раҳбари М. А. Белоусов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Гидропоника илмий тадқиқот ходимларига пахтанинг «сирлари»ни очишда ёрдам беради. У ўсиш ва ривожланиш ташқи факторларининг энг қулай бирикмасини аниқлаш, пахтадан мўл ҳосил олишнинг асосий қонуниятларини билиб олиш имкониятини беради.

Пахта етиштириш тажрибалари қум солинган идишларда, алоҳида тадқиқот мақсадлари учун эса сувга эритилган ўғит аралашмаларида олиб борилди. Ана шу сунъий муҳитларда ҳар бир туп ғўзадан 150 граммдан пахта олинди. Ўғит аралашмаси ва тез-тез намланадиган қумдаги ғўза жадал ривожланади. Пахта 15 кун илгари етила бошлайди ва 20 сентябргача тамомила очилади.

Бу йил биз пахтанинг тўртта навини: стандарт 108-Ф, кеч пишар С-460, тез пишар С-3506 ва ўрта пишар С-4692 навларини гидропоника ёрдами билан тадқиқ қиламиз. Гидропоника пахтанинг биологик потенциалини очиб беради, навларнинг максимал маҳсулдорлигини ривожланишнинг турли босқичларида озуқа моддаларининг энг яхши нисбатини ҳамда ана шу қимматли техника экинидан энг юқори ҳосил олинишини таъминлайдиган факторларни аниқлаб беради.

ҲИММАТЛИ ОТАХОНЛАР

1963 йилда 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили етиштирган 1-«Оҳангарон» совхози 1-бўлимининг коммунист Алмат Ортиқов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариш мажбуриятини олганлар.

Ҳозир чигит текис ундирилган барча майдонларда ягана, дастлабки культивация ҳамда озиқлантириш ишлари тугалланай деб қолди.

Бригада ишчиларининг ҳаммаси ғўза парваришида қатнашиб, кундалик нормасини оширib бажармоқда. Ойсара Исмандиёрова, Минггул Қодирова, Барчин Қулбобоева, Ирисбуви Масалиева каби фидокорлар, айниқса, ғайрат қилмоқдалар.

Пенсионерлардан 70 яшар Абдували ота Сулаймонов, Мамадқул Исмандиёров, Абдурафиқ Солиев, Мадали ота, Ҳасан ота каби 10 дан ортиқ кексаларнинг ҳар қайсиси кунига 10 сотих ердаги ғўзани ягана ва чопиқдан чиқарди.

Механизатор Қодир Сайфулов трактор билан 62 гектар майдондаги ғўзани кўндалангига культивация қилди. Эканчи азот ҳамда суперфосфат билан озиқлантиришни 7 кунда тугаллади. У узунасига культивацияни ҳам тугаллаш олдида турибди.

— Ишни доимо шундай олиб борсак,— дейди ўртоқ Ортиқов яшил, саф тортган ғўзаларга қараб,— гектаридан 30 эмас, ундан ҳам ошириб ҳосил етиштиришимиз мумкин. Биз бунинг уддасидан чиқамиз.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

КАРТОШКА МЎЛ БЎЛАДИ

Шаҳар меҳнаткашларини мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш иштиёқида меҳнат қилаётган Свердлов номли колхоз азаматлари эрта кўкламдан ишни қизитиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Колхоз миришкорлари картошка етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мана Қаҳҳор Қодиров бошлиқ бригаданинг картошка пайкаллари. Механизатор Бекмирза Ашуров экинни узунасига ва кўндалангига культивация қилмоқда. Картошка текис ғулаб кирган. Ҳар тупда 5—7 тадан ёнғоқдай-ёнғоқдай ҳосил тугунчаси бор. Ҳозир бригадада 18 гектардаги эртаги картошка икки марта культивация қилиниб, озиқлантирилди.

Бригада аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 12,5 ўрнига 14—15 тоннадан баракали хирмон кўтаришмоқчи.

Шунингдек, колхознинг Юсуф Рўзиев бошлиқ бригадасидаги 9 гектар, Жамолиддин Деҳқонбоев бошлиқ бригададаги 1,5 гектар картошка ҳам серҳосил бўлиб ўсмоқда. Бу бригадалар колхознинг 1110 тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Бунда механизатор Бекмирза Ашуров, суғучи Жўра Эшматов, колхозчи Бату Жалилова, Исабек Жўраевлар меҳнатда пешқадамлик қилмоқдалар.

И. РУСТАМОВ,
Ҳ. ҲАЙДАРОВ,
Калинин бошқармаси.

ЮЛҒИЧЛАР ВА ҲОМИЙ РАИС

Ильич номли колхоз аъзолари ўртоқ Ғани Сайдалиевни раислик вазифасига сайлаганларида унга катта ишонч билдиришди. Тўғри, Сайдалиев икки-уч йил дуруст ишлади, кейин уёқ-буёқнинг пойхасини олди-ю, талтая бошлади. Кўпчиликнинг талабини менсимай қўйди, ўз хоҳиши билан иш тутди, халқ мулки муқаддас, деган ҳақиқатни унутди. Даромад манбаларига ўз кишиларини жойлаштирди.

Склад мудири Раҳим Каримов ана шундайлардан бири. У халқ мулкини отасидан қолган мерос-дек ялқилади. 2.568 килограмм шоли, 618 килограмм гуруч, 3.014 килограмм пиёз, 6.384 килограмм картошка, хуллас 21 номдаги маҳсулотни бир кечадами, ёки бир неча кечадами йўққа чиқарди. Раснинг бошқа бир эркатойи —хўжалик мудири Убай Ризаевнинг очган «кашфиёти» ҳамманикидан ҳам ошиб тушди. Р. Каримов: «Каламуш ташиб кетди» деб ўмарган 1.200 килограмм бугдойни бош бухгалтер Анвар Абдровдан илтимос қилиб, ундан: «бугдойни мен сотиб олган эдим» деган қалбаки ордер туздириб олди. Шу йўл билан хўжалик мудири Ризаев ва бухгалтер растратчи Раҳим Каримовнинг жонига оро киришди. Бош бухгалтер ўзига берилган катта ҳуқуқдан ноўрин фойдаланди. Таги-тути йўқ 587 сўмга тушган 783 та ящикни бригадалар ҳисобига ўтказиб, ҳиёнатчи Р. Каримовни бу ташвишдан ҳам қутқарди. Кейинчалик «ящиклар синди, йўқолди» деб бир қулоч акт ёзиб ҳисоб-китобни тўғрилади.

Еб тўймас Раҳим Каримов «билдим дедим тутилдим, билмадим дедим қутилдим» қабилида иш тутадиганлардан. Чунки унинг сўянчиқлари устомон. Каримов энди тинчидим деганда нима бўлди-ю, ҳисоб-китоб яна чалкаш чиқиб қолди. 4.346 сўмлик 86.923 килограмм майда картошка кам чиқди. У бу етишмовчиликни қайси йўл билан тўғрилаш йўлида бош қотирди. Ҳамтовоқлари бунинг ҳам текислайдиган йўлини топдилар. Складдан кам келган картошка учун ферма бригадири Абдулла Азимов томонидан «майда картошкани ем учун сигирларга едирдик» деган бир парча қоғоз ёзиб-лиши билан Каримовгина эмас, раис ҳам, бош бухгалтер ҳам тинч-тинчиди.

Колхозда торт-тортчилар ёлғиз Р. Каримовми? Склад бир қўлдан иккинчи қўлга ўтар экан, растрат чиқмай иложи йўқ, бу одат бўлиб қолган. Аввалги склад мудири Аҳмад Муҳамедов 2.500 сўмни ўз жигилдонига ҳазм қилганини ўзи ҳам «сезмай» қолди. Колхознинг раҳмдил раҳбарлари бу растратчини ҳам безовта қилишни эп кўрмадилар. Шу сабабли у ҳанузгача 950 сўмни тўламай тараллa-бедод қилиб юрибди.

Бош бухгалтер А. Абдроров колхоз маблағларини ўринсиз сарфлашда ўнча-мунча бухгалтерии бир чўқишда қочиради. Дўкон мудирларига «тўкилди, чочилди» учун 2,160 сўм ҳаёв қилди. Иқтисоддан қийналган колхозчилар ёрдам сўраб келгудек бўлсалар, «пул йўқ, беролмаймиз» деб важ қилишади. Аммо биринчи навбатда раҳбарлар кассадан истаган вақтларида, керагича пул оладилар. Колхоз раиси Ғ. Сайдалиев бошлиқ экспедитор, бригадирлар бир вақтнинг ўзида 300 сўмдан аванс олишлари бунга яққол мисол бўлади.

Ўртоқ Ғ. Сайдалиев колхоз уставини бузиб, ўзбошимчалик билан иш тутди. Колхозда раиснинг сахийлиги туфайли унинг қариндошлари қўша-қўша участка қуриб олишган. Ғ. Сайдалиевнинг ўзини Октябрь район, Ленин маҳалласида ота ҳовлиси бўлатуриб, қишлоқда ҳашаматли уйи қад кўтарди.

Раиснинг қайин отаси Қосим Ҳошимов колхозга аъзо эмас. Унинг Октябрь район, Ленин маҳалласида ҳовлиси бор. «Менинг давримда сиз ҳам томорқалик бўлинг» деб «ўғриллик»ни оқлади. Октябрь район С. Раҳимов кўчаси, 1-тупикда турадиган қудаси Муҳрим Аҳроров, алоҳида ҳовлида яшовчи укаси Асом Аҳроров ҳам Ғ. Сайдалиевнинг илтифотидан четда қолмади. Акаси учун 0,13 унасига эса 00,9 сотих томорқа ажратилди. Ҳар икки томорқада ҳам ҳашаматли турар-жой қад кўтарди. Қайнисининг божаси, Сурхондарё областида ишлайдиган Абдусафи Иногамов учун ҳам томорқа берилди.

Колхозчиларнинг меҳнати эвазига жамғарилган катта маблағга қисқа вақт ичида тўртта енгил машина сотиб олинди. Уларнинг ремонти учун кўп пул сарфланди. Машиналар колхозчиларга эмас, кўпинча Сайдалиевнинг оиласи, биродарларига хизмат қилди. Икки машина четга пулланди. Битгаси саройда дабдаласи чиқиб ётибди.

Колхозда чорва туёғи кўпайиш ўрнига камайиб кетаяпти. Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси ревизорлари тувган актда бир неча юзлаб қўй мажбурий сотилгани, сўйилгани, қўй, товуқларнинг ҳаром ўлгани қайд қилинган. Ўтган йил 1.729 чўчқа нобуд қилинган. Бир центнер чўчқа гўштининг таннархи 1.270 сўмга тушиши колхозда чорвачиликка эътиборсизлик билан қаралаётганини тасдиқлайди. Раисниг сутчилик фермасида ишлайдиган бошқа бир қудаси Н. Норматов колхоз чорваси учун олинган килограмми 5 тийин турадиган кунжарани колхозчиларга 20 тийиндан пуллаган.

Ўтган йил ишлаб чиқариш бошқармасининг ревизори ўртоқ Қ. Ҳакимов колхоз ҳолия хўжалик ишларини ревизия қилди. У муҳим ишга енгилтаклик билан қаради. Складдан совурилган шоли, гуруч, бугдой ва бошқа маҳсулотлар қаёққа кетгани билан мутлақо қизиқмади. Бунинг сабабини сўраганимизда ўртоқ Ҳакимов «берилган фурсат оз эди, шу сабабли чуқурроқ суриштиролмадим» деб жавоб берди. Растратчи Р. Каримов ва бошқаларнинг жиноий иши ўз вақтида тергов органига топширилмай, сандиқа ой папкада сақланишининг сири нимада?

Колхозда интизом жуда бўш. Ҳосил камайиб, ишлаб чиқариш планлари адо этилмаётир. Колхозчилар ҳар йили баракали хирмон кўтарамиз, деб умид қиладилар. Аммо натижа кутилганча бўлмайди. Ҳосилнинг сараси далада «звенолар» уйига ташилади.

Шуниси ажабланарлики, Ғ. Сайдалиев нозўр ишларни қайси пуштипаноҳига суяниб қилаяпти? У орқа қилса қилаберсин, жамоатчилик талловчилар жавобгарликка тортилиб, колхоз маблағлари ундирилишига ва балоҳўрларга қўлтиқ таёқ бўлган Ғ. Сайдалиев қилмишига яраша жавоб беришига шубҳа қилмайди.

Ш. КУЗАНБОЕВ.


ҚЎЛИ РУЛДА, КЎЗИ ЙЎЛДА

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги 121- автобазанинг моҳир шофери Йўлдош Эргашев ҳалол меҳнати туфайли коллектив орасида катта обрў ва ҳурматга эга. Бу меҳнатсевар шофер «Қўйлиқ—«Правда» колхози» маршрути бўйича қатнаб, доимо ойлик нормани ортиғи билан адо этмоқда. У ўзига бириктирилган автобусда ремонтсиз 110 минг километр йўл босди. Бир комплект шинада корма бўйича 40 минг ўрнига 55 минг километр йўл юриб, 800 килограммдан ортиқ ёнилғи тежаб қолди.

Коммунист шофер И. Эргашев йўловчилар билан яхши хушмуомалада бўлади, ҳамиша йўл маршрутига риоя қилади.

Йўлдош ака автобаза ҳаётида актив қатнашади: Яқинда автобаза коллективи пешқадам шофер И. Эргашевга катта ишонч билдириб, уни маҳаллий комитет раиси қилиб сайлади.

Т. РЎЗИМАТОВ.



Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхозининг теплица хўжалиги ишчилари шаҳар аҳолисига бутун йил мобайнида янги сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона нурашишаяпти. Ҳозир теплицада учинчи бодринг ҳосили йиғимига киришилди. Суратда: теплица ишчиси Сотқиной Соатова бодринг узмоқда.

Х. Хайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



ҚАРДОШЛАРИМИЗ КИНО САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

Қардош республикалар кинематографлари билан Ўзбекистон кино ходимлари ва кино томошабинларининг ижодий учрашувлари традицияга айланиб қолди. Шу кунларда пойтахтимиз кинотеатрлари Грузия, Арманистон ва Озарбайжон кинематографлари билан учрашувларга тайёрланмоқда. Қардош республикалар санъаткорлари тошкентлик томошабинларга ўзларининг янги асарларини кўрсатадилар.

Закавказье республикалари кино санъати ҳафталиги 30 майдан 5 июнгача давом этади. Шу вақт ичида тошкентликлар 7 та янги кино картина томоша қиладилар. Булар орасида «Оқ карвон» деб аталган грузин фильми бор. Грузиянинг оддий кишилари ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильм XVII Канн фестивалида совет киносанъатининг маҳсули сифатида кўрсатилган. Грузин қардошлар бундан ташқари «Палиастоми» кинодрамаси ва «Отни ким эгарлайди?» кино қиссасини олиб келадилар.

Арманистон делегацияси «Гоар Гаспарян куйлайди» фильмини кўрсатади. Бу мусиқали фильм томошабинни давримизнинг ажойиб қўшиқчиси ижоди билан таништиради.

Озарбайжон кинематографлари «Мўъжизалар ороли» кино қиссаси ва «Ромео, менинг қўшним», «Аҳмад қаерда?» кинокомедияларини намойиш қиладилар.

Закавказье республикалари делегациялари составида бадиий ва ҳужжатли кинонинг йирик мастерлари бор.

А. ГОРОШИН.

Суратда: «Гоар Гаспарян куйлайди» фильмидан кадр.

УЧ ЮБИЛЯР

Ўқитувчи! Азиз ота-она билан баббаравар турадиган нақадар улуғ инсон!

Октябрь районидаги 11-мактабда кўни кеча жуда катта тантана бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, Ленин ордени Абдураҳим Сиддиқов, Асрор Қодиров ва Енгин Исмоиловларнинг 60 йилга тўлишлари ва 30 йиллик меҳнат фаолиятларига бағишланган юбилей кечаси бўлди.

Мактаб директори ўртоқ Т. Аҳмедова бу уч юбилярнинг маорифчилик-ўқитувчилик фаолияти ҳақида муқаммал сўзлаб берди.

Ўз дўстларини табриклаш учун бу ерга академик шоир Ғафур Ғулом ҳам келди. Шоир Ғафур Ғулом ўқитувчининг бурчи нақадар улуғлигини, ёш авлодини тарбиялашдаги ролини шоирона иборалар билан гапириб берди. Шундан сўнг шоир «Аввал, ўқи!» шеърини ўқиб беради.

Тошкент Давлат медицина институтининг проректори У. Долимов, медицина фанлари доктори Ҳ. Зоҳидов, медицина фанлари кандидати П. Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг бўлим мудири М. Маҳмудов, Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири Ф. Солиев, Калинин районидаги 11-мактаб директори А. Ваҳобов, 1919 йилдан буён КПСС аъзоси Р. Усмонов, Октябрь райондаги 1, 111-мактаб директорлари М. Юсупова, Ҳ. Қурбонов, яна ўнлаб кишилар юбилярларни чин юракдан қутладилар.

Академик Обид Содиқов, шоир Мирмуҳсиннинг ҳурматли Абдураҳим Сиддиқовга юборган миннатдорлик хатлари ўқилди. «Иттифоқ» маҳалла комиссияси раиси, ота-оналар комитетининг аъзоси Рухси Каримов ва бошқаларнинг табрик сўзлари ҳам ҳаяжон билан тингланди.

Уч юбиляр кеча охирида сўзга чиқиб, ўзларига билдирилган бу қадар катта ҳурмат учун ташаккур айтдилар.

Абдураҳим Сиддиқов, Асрор Қодиров ва Енгин Исмоиловларнинг бу тантанали юбилей кечаси бизнинг улуғ замонда совет ўқитувчиларининг жуда катта ҳурмат эгаси эканликларининг ёрқин намойиши бўлди.

Ю. ҲАМДАМ.



ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● «Назарбек» совхозининг иккинчи бўлимида янги амбулатория қурилиб фойдаланишга топширилди.

У. КАРИМОВ.

● Тошкент Давлат медицина институти студентларининг учинчи илмий конференцияси тугади. Беш кун давомида ҳозирги замон медицина масалаларига доир 250 доклад тинглади.

А. КИМ.

● Собир Раҳимов номли боғнинг қаршисида мороженое кафеси очилди.

С. АЛИҚОРИЕВ.

● Чирчиқ шаҳридаги 225-УНР га қарашли 160-трест қурувчилари Тошкент вилоятининг Тоғ районидаги Тоғосиё поселкасида меҳнат ветеранлари учун янги пансионат қуриб беришди. Ҳозир бу ерда областимизнинг турли жойларидан келган 130 дан ортиқ қария дам олмоқда.

Э. РУЗИМАТОВ.

● Яқинда Оҳангарон шаҳрида 100 ўринли «Ёшлик» кафеси ишга туширилди.

И. АҲМЕДОВ.

● Тошкент фармацевтика институти комсомол комитетининг ташаббуси билан бир йиллик атеистлар курси очилди. Студентлар институтни битиргач, жойларга ишга бориб жамоатчилик асосида атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишлари мумкин.

З. НУРМАТОВ.

● Пойтахтимиздаги Нодира кўчасида 271-янги болалар боғча-яслиси ишга туширилди.

З. ҒУЛОМОВ.

Свердлов номли концерт залида ўтказилган гимнастикачиларнинг мусобақалари тугади. Суратда: Латвия ССР спортчиларини кўриб турипсиз. Улар команда бўлиб машқ қилишда фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАЛҚ РАССОМИ

Ўзбекистон санъат музейида халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев асарлари виставкаси очилди. Бу виставка рассомнинг туғилганига 50 йил ва ижодий фаолиятига 25 йил тўлиши муносабати билан ташкил қилинди. Виставкада Л. Абдуллаев ижодининг барча даврига хос асарлари қўйилган бўлиб, улар рассомнинг самарали ижодий йўли ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Экспонатлар орасида «Еш шоир ҳузурида», «Агитатор Шимолий Тошкент каналида» каби йирик полотноларни кўрамиз. Рассом дастлабки бу асарларидаёқ ўзининг мураккаб, кўп фигурали композициялар ярата олиш, оддий меҳнаткашларнинг жонли образини чизиш қобилиятини намойиш қилган эди.

Санъаткорнинг мўйқалами замонавий темада кўп тебратилгач. Унинг «Чўлни ўзлаштирувчилар» деб аталган машҳур композицияси совет тасвирий санъатининг энг яхши асарлари сафидан муносиб ўрин олган. Экспонатлар орасида Л. Абдуллаевнинг В. И. Ленин фаолиятига бағишланган «В. И. Ленин Мирзачўл картаси олдида», «Ўрта Осиё хотин-қизлари Ленин ҳузурида» каби графика асарлари ҳам бор. Виставкада рассомнинг китобларга ишлаган иллюстрацияларига катта ўрин берилган.

Музейнинг иккита залида Лутфулла Абдуллаевнинг ҳаммаси бўлиб юздан ортиқ ишлари намойиш қилинмоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. Абдуллаев ўз устахонасида.

МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Калинин бошқармасининг «Ленинизм» колхозидаги кутубхона ва клубга кишининг ҳаваси келади. Мавжуда Қўчқорова мудирлик қилаётган бу клуб ва кутубхона хизматидан колхозчилар миннатдор. Чунки, колхоз клубида колхозчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма шароит яратилган.

Колхоз правлениеси клуб, кутубхона ва меҳмонхоналар ремонти учун 4.000 сўм пул ажратди.

Кутубхонага ҳозир 100 дан ортиқ колхозчи аъзо. Улар қишлоқ хўжалик экономикасига оид китоблар, адабий ва бадиий китобларни ҳам зўр қизиқиш билан олиб ўқимоқдалар.

Кутубхона янги китоблар билан бойитилди. Кутубхонага 200 сўмлик 464 та китоб сотиб олинди. Ҳозир китоб фондида 565 та турли адабиётлар бор.

А. СОТВОЛДИЕВ.

ҲАМ ҲАШАР, ҲАМ ҲОРДИҚ

Эрта тонг. Қуёш ҳали борлиққа мўралаганича йўқ. Атроф сокин, майин шабада эсади. Пойафзалчилар бугун дам олиш кунини шаҳардан ташқарида — Бўстонлиқдаги ўзларига қарашли «Искра» пионер лагерида ўтказишга аҳд қилишди.

Тўртта автобус 200 га яқин пойафзалчиларни тоғ бағрига элтиб бормоқда. Ҳа демай Чирчиқ ҳам ортда қолди. Товончоқ қишлоғидан ўтишингиз биланоқ қаршингиздаги тизма қатор тоғлар ўзининг гўзаллиги билан сизни мафтун этади.

Икки соат ўтар ўтмай манзилга етиб келган пойафзалчилар дарҳол енг шимариб хашарга тушиб кетдилар. Ахир уларнинг ўғил-қизлари бу ерга келиб дам оладиган кунга бир хафта вақт қолди-да!

Йигитлар замбил, белкурак олиб йўлларга майин қум ташладилар, текисладилар, қизлар эса ҳар бирига 55 ўқувчи сиғадиган 8 та павильоннинг деразаларини артиб, полларини ювиб чиқдилар, кроват ва тумбочкаларни тартиб билан жойлаштирдилар.

Шаҳримиздаги биринчи пойафзал фабрикаси қарамоғидаги бу пионер лагери 13 гектар жойни эгаллаган. Кўркам, файзли бу жойда ҳамма нарса муҳайё. Фабрика маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союз комитети яқинда лагерга 7 минг сўмлик портрет, панно ва диограммалар олиб берди. Шунингдек бу ерда ёзги 400 ўринли кинотеатр қад кўтарди. Чўмилиш хавзаси, волейбол, баскетбол, футбол майдончалари тартибга келтирилди. Бир сўз билан айтганда лагерь ўз эгаларини кутмоқда.

Тушдан кейин шаҳарликларнинг дам олиши бошланди. А. Абдуллаев, Б. Чертон, В. Ушаков, С. Ахмедов ва Т. Ахороволар шарашара бўлиб оқаётган зилол сув ёнгинасидаги азим дарахтлар тагида қизғин суҳбат қуришди. М. Дадажонов, Р. Холмуродов, П. Хамидхўжаевлар эса волейбол ўйнашди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари Т. Дергачева, Л. Моисеева ва Т. Тушкановалар адирга чиқиб қучоқ-қучоқ тоғ гулларини териб келишди.

Сайдахмад Сайдалиев бошлиқ фабрика ошпазларининг қўли-қўлига тегмайди.

Шу куни биринчи пойафзал фабрикасининг ишчи ва хизматчилари гўзал табиат қўйнида кўнгил очиб бир хафталик меҳнат ҳордигини чиқардилар.

Кеч бўлганда қучоқ-қучоқ гул билан шўх куйни баралла янгратиб қайтаётган пойафзалчиларга ҳамманинг ҳаваси келарди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Тошкент — Бўстонлиқ —Тошкент.

ГЛАУКОМА ЧЕКИНМОҚДА

Бугун Тошкентда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон ССР мутахассисларининг кўз касалликлари бўйича республикалараро кенгаши ўз ишини бошлайди. Бу кенгаш СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Гельмгольц номидаги кўз касалликлари илмий-текшириш институти томонидан ўтказилмоқда.

Республикалараро кенгашда ўзбекистонлик офатьмолог олимлар ҳам илмий докладлар қилишади. Республикалараро кенгаш ўтказилиши муносабати билан Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонаси кўз касалликлари бўлимининг мудири ўртоқ Ғ. Қосимхўжаевнинг мақоласини босаётирмиз.

Кўз энг нозик аъзо. У ўзининг хизмати билан бошқа сезув органларидан устун туради.

Кўз олмасининг тузилиши ғоят мураккаб. Кўзнинг олмаси уч қаватдан иборатдир. Кўзнинг ичида тиниқ ойнасимон суюқлик бўлиб, бу сиртқи ёруқликни кўз томирига ўтказади ҳамда кўзни думалоқ шаклда сақлаб туради. Ойнасимон суюқлик олдида ва қорачиғининг орқасида фото аппарат линзаси каби гавҳар жойлашган бўлади.

Қон босимининг ошиб кетиши гипертония номи билан юритилгани каби, кўзнинг ички босимининг нормадан ошиб кетиши глаукома деб айтилади. Глаукома сўзи қадимги грек сўзидан олинган бўлиб, кўкимтил деган маънони англатади. Бу касал билан оғриган кўзнинг қорачиғи хира кўкимтил тусга киради. Шунинг учун бундай кўзларга кўк сув тушибди дейилади ёки халқ ўртасида назла тушибди деб айтилади.

Глаукома икки хил формада учрайди. Унинг ўткир формаси аксарият бир кўздан бошланиб, сўнг иккинчи кўзга ўтади. Кўзда ва кўз тарафидаги бошнинг ярмида чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ оғриқ сезилади ва бу оғриқ кўз атрофига, миянинг орқа тарафига ҳамда чаккага тарқалади.

Баъзан глаукоманинг ўткир формаси билан оғриган беморни овқат билан заҳарланиш, тиш оғриғи ва бош оғриғи каби касаллар билан алмаштирилади. Бу касалликка мубтало бўлган беморнинг кўзи қизаради, қовоғи шишади. У кўзини қаттиқ қисиб олиб, мунка тушиб ётади. Шикастланган кўзнинг қорачиғи кенгайиб, хира кўкимтил рангда бўлганини кўрамиз. Агар бундай кўзни икки кўрсаткич бармоқ билан ушлаб кўрилса, тошга ўхшаб қаттиқлашгани сезилади. Шу билан бирга кўз хиралашиб, баъзида кўрмай қолиши ҳам мумкин.

Биринчи оғриқдан сўнг глаукома касаллиги хроник формага ўтиб, юқоридаги айтиб ўтилган белгилар тез-тез катталашиб туради.

Шикастланган кўзнинг кўриниши сог-саломат кўзнинг кўринишидан фарқ қилмайди. Фақат текшириш вақтидагина кўзнинг ожизланганлигини, кўз ички босимининг ошганлигини, кўз ичидаги нерв томири ўзгарганлигини аниқлаш мумкин.

Глаукоманинг оддий формаси билан оғриганда кўз атрофида, қош устида, чеккада енгил оғриқ пайдо бўлади, кўз олдида ҳар хил чивинга ўхшаш нарсалар учиб юради, кўз ёшлашганга ўхшаб хирлашади. Киши кўз ойнагини тез-тез алмаштирадиган бўлиб қолади. Аммо бу билан кўзнинг кўриш қобилияти ошмайди.

Умуман глаукома формаларининг бошланғич даврини аниқлаш қийин. Чунки, бу даврда юқорида айтиб ўтилган қаттиқ оғриқ ва кўз кўришининг теалиқда пасайиб кетиши каби белгилар бўлмайди.

Глаукоманинг бошланиш даврида бош оғриғи, қош устидаги, миянинг орқа тарафидаги оғриқ енгил бўлади. Шу билан бирга кўз ёшлашганга ўхшаб хиралашади, кўзни артиб тозалаган билан кўриш равшанлашмайди. Бундай ҳоллар кўпинча хафа бўлганда, ақлий ва жисмоний иш билан қаттиқ чарчаганда, ҳаво айниганда, спирт ичимликлар ичилганда, папирос кўп чақилганда рўй беради.

Глаукома касаллиги кўз босимини ўлчаш йўли билан аниқланади. Бу масала билан ҳозир республикамиздаги деярлик кўпчилик кўз врачлари шуғулланмоқдалар. Поликлиникаларда олиб борилган тажрибалар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Касаллик асосан дори ёрдами билан даволанади. Бордию, дори-дармонлар тегишли эффектив фойда бермаса касаллик операция йўли билан даволанади ҳамда нормага туширилади. Самарқандлик доцент А. Юсупов, тошкентлик доцент Т. Ильина ва кўпгина кўз врачлари бу соҳада анча бой тажрибалар тўплашди.

Кўз врачлари билан бир қаторда бошқа соҳа врачлари ҳам глаукоманинг бошланғич даврини аниқлашда ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Масалан, терапевт, эндокринолог, нервопотолог каби мутахассислар беморларда юқоридаги каби белгиларни пайқаганларида уларни албатта кўз врачига юборишлари керак. Чунки, қанчалик илгарроқ кўз врачларига учрашилса глаукома ўтиб кетмайди ва унинг олди олинган бўлади.

Ғ. ҚОСИМХЎЖАЕВ,
Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонаси кўз касалликлари бўлимининг мудири.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛИК МИТИНГИ

ТОКИО, 23 май. (ТАСС). Бугун Токиода СССР Олий Советининг делегацияси билан учрашувга бағишланган оммавий митинг бўлди. Митинг «Япония — СССР» жамияти ва Япония касаба союзларининг бош кенгаши — СОХИО ташаббуси билан чақирилди. Пойтахт ва мамлакатдаги бошқа шаҳарлар аҳолисининг 3 мингга яқин вакили «Кудан Кайкан» залига тўпланди. Митингда Япония социалистик партиясининг бош секретари Нарита, СОХИО раиси Ота, СОХИО бош секретари Иваи, савдо-саноат двораларининг, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

А. И. Микоян бошлиқ СССР Олий Советининг делегацияси залга кириб келганида тўпланганлар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Залда Совет Иттифоқининг гимни янграйди.

Учрашувни «СССР — Япония» жамияти правлениесининг раиси Ситиро Мацумото очди. Япония маданият арбоблари номидан Японияннинг таниқли арбоби Токугава, савдо-сотиқ доиралари номидан Хоккайдо балиқ саноатчилари бирлашмасининг раиси Токано, меҳнаткашлар номидан СОХИО раиси Ота, хотин-қизлар номидан машҳур жамоат арбоби Ясуи совет парламенти аъзоларини табриклашди.

Ҳамма нотиқлар А. И. Микоян бошчилигидаги совет парламент делегациясининг Японияга қилган визити муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Япония билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни янада ривожлантиришни, маданий, иқтисодий ва бошқа алоқаларни мустаҳкамлашни яқдиллик билан ёқлаб гапирдилар.

Ситиро Мацумото СССР Олий Совети депутатларини учрашув қатнашчиларига таништиради. Чиройли кимоно кийган қизлар уларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Тўпланганлар томонидан самимий кутиб олинган А. И. Микоян катта нутқ сўзлади. Совет делегацияси бошлиғининг нутқи бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Митингда СССР Олий Совети делегациясининг аъзолари Харьков трактор заводининг токари Н. Е. Мирошниченко ва Грузия артисткаси М. В. Жапаридзе ҳам нутқ сўзладилар.

Учрашув Япония ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган дўстлининг намойишига айланиб кетди.

ЯПОНИЯДА САВДО-САНОАТ ДОИРАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ТОКИО, 24 май. (ТАСС). А. И. Микоян бугун кундузи СССР Олий Совети делегациясининг «Гэйхинкан» резиденциясида Япониядаги «Сумитомо», «Мицуи» ва «Мицубиси» деган йирик молия-саноат группаларининг вакиллари билан учрашди. СССР Олий Советининг депутати Б. Е. Бутома ва СССРнинг Япониядаги савдо вакили М. В. Губанов иштирок этган бу учрашувларда Япония ва СССР ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тааллуқли бўлган кўпгина масалалар юзасидан батафсил фикр олишилди.

Олий Совет депутатлари кечқурун «Кабуки» театридаги спектаклда ҳозир бўлдилар.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ «Ракета» типидаги сув ости ҳанотлари бўлган тез юрадиган учта дарё кемаси Совет Иттифоқидан Праховога (Дунайда) етиб келди. СССРдан сотиб олинган бу кемалар Югославиянинг дарёларида қатнайдиган бўлади.

⊙ Аддис-Абебада тузилган Африка бирлиги ташкилотига 25 майда бир йил тўлади. Бу кун Африка озодлиги куни сифатида нишонланмоқда. Либерияда бу кун миллий байрам деб эълон қилинди.

⊙ Пенсильвания штатининг маъмурий марказ Гаррисбергда полициянинг Честерда бўлиб ўтган нирқчилинка қарши ҳаракат қатнашчиларига нисбатан ваҳшёна муносабатда бўлишига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Полициячилар бу шаҳарда 24 апрелда намойишчилардан 200 кишини урдилар. Намойишчилар қонун чиқарувчи ассамблея биносини пикет қилдилар. Улар полициянинг шафқатсизлиги ҳақидаги ишнинг очиқ тарзда кўрилишини талаб қилдилар.

⊙ Англия пойтахтининг жуда кўп музика шинавандалари совет музиқачиси — скрипкачи Борис Гутников билан таништилар. П. И. Чайковский номидаги скрипкачиларнинг 1962 йилги халқаро иккинчи конкурсининг лауреати бўлган Борис Гутников симфоник концертда солистлик қилди. Бу концерт Лондондаги «Фестивал-Холл» концерт залида бўлди. Тингловчилар ёш совет скрипкачисини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

⊙ Америка ҳарбий полицияси солдатларидан иборат 152 кишилик отряд Сайгонга келди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, америкаликлар Американинг Сайгондаги ҳар хил ҳарбий объектларини қўриқлашни кучайтирмоқдалар. (ТАСС).

ДИДЛАРИГА ЁҚМАЙ ҚОЛДИ

ЛОНДОН, 23 май. (ТАСС). Англияда 2 йилдан кўпроқ вақтдан бери лекция ўқиб келаётган америкалик психолог олим Бертран Бенсонга Англия ички ишлар министрлиги унинг мамлакатда бўлиши «давлат манфаатларига мос эмаслигини айтган». «Дейли телеграф» газетаси шу ҳақда хабар беради. Бенсон нима учун инглиз маъмурларига ёқмай қолди? Америкалик олим «ядро қуролини тарк этиш учун ҳаракат»нинг актив қатнашчисидир ва у ўз фаолияти учун бундан илгари штраф тўлаган эди.

ЯНКИЛАР КОНГОДА

ЛОНДОН, 23 май. (ТАСС). Киву вилоятидаги (Конгонинг шарқида) Лумумба издошлари бўлган қўзғолончиларга қарши Конго армиясининг жазолаш операцияларида АҚШ авиацияси иштирок этмоқда.

Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, кеча Букаву шаҳри районида қўзғолончилар америка разведкачи самолётини шикастлаганлар. Самолётда Конгога ҳарбий ёрдам кўрсатувчи америка миссиясининг аъзоси полковник Уильямс Додде ва Конго армиясининг полковниги бор эди.

ТЕЛЕВИЗОР

26 МАЙДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қизил галстук** телевизион журнали, 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.05 — **Янги ерларда янги совхоз**, 19.20 — М. Тахмасиб. **Баҳор** (телевизион спектакль премьераси.

Рус тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.35 — **Ёзувчилар билан интервью**, 21.55 — **Катта оила** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Пионер ишлари ҳақида** (болалар учун), 18.15 — **Катта химия қадамлари**, 18.35 — **Меҳмонимиз** (адабий эшиттириш), 18.55 — **Оталар ва болалар** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.25 — **Чудомир ҳақида** (телевизион очерк), 20.50 — **Китоблар оламида**, 21.10 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан. Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Лутфулла Абдуллаев.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Боғчасарой фонтани.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Нодира.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28, 30, 31/V кеч соат 8. яримда **Ўзбек давлат филармонияси ўзбек халқ чолғу оркестри ва солистларининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Қайсарлар (эрталаб соат 10 да). **Хўрланганлар** (эрталаб 11-45, кундуз 2-45, 5-45 ва кеч 8-45 минутда, 1 ва 2-серия) — «ВАТАН».

Шайтон ва ўн насиҳат — «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан).

Икки якшанба — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уйимиздаги эркак (1 ва 2-серия, кундуз соат 5 да). **Мистер Инс (кеч 9 ва 10 яримда)** — НАВОИЙ номли.

Антоша Рибнин — «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача).

Ёз бекор ўтди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Турналар учади — «ОКТЯБРЬ».

Қайсарлар (кеч соат 8-45 минутда), **Дашқала воқеаси** (кеч 10 яримда) — «ВАТАН».

Икки якшанба — НАВОИЙ номли. «ФЕСТИВАЛЬ».

Оптимистик трагедия — КАФАНОВ номли.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

26 майда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Саодат Қобилова, Мукаррама Турғунбоева,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов, Ҳалима Комилова, Клара Юсупова Гулнора Маваева,** солист **Эргаш Йўлдошев** ва халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

30 МАЙДА РОСТОВ-ДОН ШАҲРИДА

3% ЛИ

Давлат ички ютуқ заёмининг

99-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ.

Тиражда заёмнинг ўн етти разрядига 7.905.340 сўмлик 144500 ютуқ, шу жумладан: 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар ўйналади.

Тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони заём муддати тугаганга қадар ўзгармаганлиги, ютган облигациялар эса бундан кейинги тиражларда қатнашмаганлиги сабабли, заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтказилган сайин ошаборади.

Заём облигациялари омонат кассаларида бемалол сотилади ва сотиб олинади.

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредитни бошқармаси.

Тошкент шаҳар, Кармелюк кўчаси, 108-уйда турувчи **Дилбар Ғуломованинг** Андижон шаҳар, Бильдин кўчаси, 18-уйда турувчи Маисур Ғуломовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Правда Восто-ка кўчаси, 28-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06670. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1761.